ИШОНЧ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг газетаси

30 июль
1996 йил,
сешанба

№ 60 (307)

«1996 йилнинг дастлабки ярим йили якунлари том маънода ҳаётимизда туб бурилиш юз берганн ва иқтисодиётимизнинг жадал ўсиш даври бошланганини кўрсатмоқда».

Ислом КАРИМОВ.

Бизнинг шарҳ

ЮКСАЛИШ ЙИЛИ

25 июль куни Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси булиб ўтди. Президент Ислом Каримов раислигида ўтган бу мажлисда 1996 йил биринчи ярмида Узбекистон иқтисодиётини ривожлантириш якунлари ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши муҳокама қилинди.

Хўш, ўтган ярим йил ичида нималар қилинди ва қандай натижаларга эришилди?

Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида сўзлаган нутқида ана шу масалаларга атрофлича тўхталди.

Республикамиз раҳбари таъкидлаб утганидек,ярим йиллик якунлари Узбекистон ислоҳотларнинг, иқтисодиётни соғломлаштиришнинг дастлабки энг оғир босқичини босиб ўтди. Жамиятимизда таркиб топган янгича муносабатларнинг мустаҳкам пойдеворига таянган ҳолда иқтисодиётимиз бозор муносабатларига босқичма-босқич, пешма-пеш кириб келмоқда,тобора барқарорлашмоқда ва мустаҳкамланмоқда.

Дарҳақиқат, бутун иқтисодиётимизни муваффақиятли ислоҳ этишнинг энг муҳим натижаси бўлмиш мустаҳкам макроиқтисодий барқарорликка эришилди. Муҳтарам Президентимиз қайд қилганларидек, пулнинг қадрсизланиш суръатлари кескин пасайди. Инфляция жиловланди, унинг устидан назорат ўрнатилди. Пул муомаласи мустаҳкамланди. Миллий валютамиз нуфузи ошиб бормоқда.

Ўтган ярим йил ичида хусусийлаштириш жараёни чуқурлашди ва кенгайди. Бу жараён сифат жиҳатдан янгича аҳамият касб этди.Деҳқон-фермер хўжаликлари сони 19300 тага купайди. Кичик ва хусусий корхоналар шу йилнинг 1 июлига келиб 83,5 мингтага етди. Хусусийлаштиришдан тушган даромад тахминан 3 миллиард сўмни ташкил этди.

Инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши натижасида иқтисодиётда сезиларли таркибий ўзгаришлар содир булди. Ялпи миллий маҳсулот усишини таъминлаётган соҳалар ҳам жадал ривожлана бошлади. Жанубий Кореянинг «ДЭУ» фирмаси билан биргаликда Асакада қурилган автомобиль заводи катта тарихий воқеадир. Марказий Осиёда биринчи автомобиль заводи булган бу улкан корхона йилига 200 минг енгил автомобиль тайёрлаш қувватига эгадир.

1996 йил республикамиз учун кескин бурилиш йили булди. Биринчи бор ички ялпи маҳсулотнинг пасайишига барҳам берилибгина қолмай, унинг 101,4 фоиз ўсиши таъминланди. Шуниси диққатга сазоворки, мамлакатимизнинг барча вилоятларида саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиши таъмин этилди. Жорий йилда Тошкент, Сирдарё, Самарқанд, Андижон ва Бухоро вилоятларида саноат тез суръатлар билан ривожланди.

Ижтимоий адолат тикланди,-деди Ислом Каримов ўз нутқида,- 3 миллиондан ортиқ омонат эгаларининг 1992 йил 1 январга қадар қўйган ва умумий миқдори 35 миллиард сумга тенг булган омонатлари индексация қилинди. Бу гоят муҳим аҳамиятга молик тадбирдир. Узбекистонда ўтказилаётган ислоҳотларнинг адолатли ва ҳаётий эканлигини исботловчи воқеадир.

Вазирлар Маҳкамасининг ярим йиллик якунларига доир мажлисида Президент Ислом Каримов нутқига ва сўзга чиққан бошқа нотиқларнинг фикрларига асосланиб ҳаётимизда юксалиш йили булди, дейишга ҳақлимиз.Зеро, танлаган йўлимиз узини оқлади. Асосий қийинчиликлар ортда қолди. Мустақилликнинг беш йиллигини қаршилаётган Узбекистонимиз энди юксалиш йўлидан боравериди.

Ёшлар бор жойда кулгу-қувонч ва унумли меҳнат бор. Қибрай туманидаги «Дурмон» жамоа хўжалигида ғарқ пишган меваларни ўз вақтида териб олишда Тошкент вилояти Педагогика билим юртининг талабалари шижоат кўрсатишмоқда. Шунинг учун жамоа хўжалиги мевазорларини ҳозирги кунда қизларнинг шўх-шандош овозлари тутиб кетган.

Суратларда: илғор олма теручи дугоналар Озода Жўраева ва Гулмира Ашимхонова, табиатшунос ўқитувчи Фарида Мўминова қизлар даврасида.

Н.МУҲАММАДЖОНОВ суратлари.

Она ер саховати

ШАҲАРЛИКЛАР «РАҲМАТ» ДЕЙИШМОҚДА

Мана тўртинчи ҳафтадирки, Наманган шаҳрининг тўртала даҳасида-Давлатобод тумани-ю «Бош бекат бозори»да, Тахта кўприк ва «Мустақиллик» майдони яқинида, шунингдек, барча туманларнинг марказларида Кўчма бозорлар авжида. Вилоят ва туман ҳокимликларининг қарорларига кўра шаҳар меҳнаткашлари дастурхони тўкинчилиги ва бозордаги нарх-навони арзонлаштиришга мўлжалланган ушбу тадбир ҳам деҳқону боғбонга, ҳам манглай тери билан топилган ҳар тийин маблағини ўз ўрнида ишлатишни кўзлаётган ишчи-ю зиёлига наф келтирмоқда.

- Вилоятимиз раҳбарлари ташаббуси билан ташкил этилаётган бу иш осон кечмаётган бугунги кунимизда нур устига аъло нур бўлаяпти.- дейди Учқўрғон туманидаги «Яшикобод» жамоа хўжалиги сабзавот ва богдорчилик бригадасининг бошлиги Шуҳратжон Мамадилаев,-Минг шукрларким, бу йилги обҳавонинг анча салқин келганлиги, намгарчиликнинг етарли булганлиги далаларимизда сабзавот ва полиз маҳсулотларининг мўл-кўл бўлишлигини таъминлади. Боғларимиздаги ҳосилимиз ҳам ёмон эмас. 30 гектардан кўпроқ богдаги меваларимиз, 20 гектарга яқин ердаги сабзавот майдонларимизда ҳосил бирин-кетин пишиб етилмоқда. Уларни биз далада ишлаётганларга, болалар богчаларида тарбияланаётган кичкинтойларимизга етказиб бериш билан бир қаторда ўз эҳтиёжимиздан ортганларини шаҳарлик биродарларимизга сотиш учун келтиряпмиз. Шу тариқа исроф булишига ёки нобуд қилинишига йўл қўйилмаяпти.

Учқўрғон туманидаги «Қўғай» ширкатлар уюшмасига қарашли экин майдонларида ҳам пахта билан бир вақтда боғлар, сабзавот ва полизмайдонлари сероб. Ҳудудининг бир чети қўшни Қирғизистонга туташиб кетганлиги бу ернинг об-ҳавоси вилоятнинг бошқа хўжаликларига нисбатан анча салқинлигидан, тоғлар яқинлиги ўз таъсирини утказишлигидан далолат беради. Шу боисдан кўгайлик богбон ва сабзавоткор ҳамда қовунтарвуз етиштирувчи асл деҳқонларни вилоятдан ташқари узоқ-узоқларда, ҳатто пойтахтимиз Тошкент бозорларида ҳам учратиш мумкин. Наманган шаҳрининг кўчма бозорларида ширкат ноз-неъмат ижодкорлари ҳам узларига хос уринларни эгаллашган. Биз ширкатлар уюшмасининг бош ҳисобчиси Собитхон Сатторов раҳбар булиб келган гуруҳ ишини кузатиб бу нарсага тагин бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Мева ва сабзавот маҳсулотлари сифатли бўлиб етилганлигидан Одилхон Эргашев сотувчилик қилаётган жойда харидорлар тавжум. Бунинг яна бир сабаби фақат бугуннинг ўзида келтирилган маҳсулотларнинг ўзигина 14 хилдан иборат бўлиб шу ерданги на анча нарсани харид қилиб кетса бўларди.

- Кўчма бозорларнинг ташкил этилиши хосияти кўп,- дейди суҳбатда Собитхон Сатторов.- Очигини айтганда, баъзан бозорларимизда «асфальтга экин экаётган» сохта деҳқонларимиз кўпайиб кетяпти. Бозор дарвозасидан кирмасингиздан улгуржисига сотиб оладиган «харидор» пайдо бўлади. Гоҳо, дуқ-пўписалар билан бўлса-да сизни кўндиришга уринади. Кўчма бозорлар эса бу жиҳатдан ҳам қулай. Шу мақсад учун ажратилган юк автомашиналарида хўжаликлар далаларида етиштирилган маҳсулотлардан ташқари, фермерлар, деҳқонларимизнинг томорқаларида етиштирилалган маҳсулотларни ҳам келтириб сотиш уюштирилмоқда.Бу эса ҳам қишлоқда яшаётганларга, ҳам шаҳарлик биродарларимизга қулайлик яратмоқда.

С.Сатторовнинг айтганларида жон бор. Биз у билан мулоқот қилаётганимизда яқинимизда турганлардан анчагинаси бу борадаги мулоҳазаларимизга қушилди.

-Шу тадбир ташкилотчилари ва уни амалга ошираётган қишлоқлардаги деҳқон биродарларимизга мингдан-минг раҳмат,-дейди Баликчи кучасида яшовчи нафақадаги Файзихон ота Мирабдуллаев.-Мен икки-уч сафардан бери Кучма бозорга ташриф буюришдан олдин атрофни айланиб кураман. Мева ва сабзавотларнинг сифати ва баҳосини урганаман. Бу ерда сотилаётганлари билан марказий бозорлардагисини солиштирсангиз кўриниши-ю мазаси ута-утадики, асло қолишмайди.

Кучма бозорларни айланиб бир нарсага имон келтирдим. Биз олдинлари ишчи-деҳқон дустлигини қаёқдаги сиёсатга боғлаб, коммунистик ғоялардан мисоллар келтириб бунга узгаларни ишонтиришга беҳуда уриниб юрган эканмиз. Аслида Президентимиз уз маърузаларида кўп бор таъкидлаганидек, ушбу дустлик белгисини сиёсатдан эмас, балки кундалик турмушдан, иқтисодий қуллаб-қувватлашдан ахтариш лозим экан. Демак, бир-бировларига ҳар тарафлама кумаклашиш давом эта берсин!

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.

ҚИШЛОҚ СПОРТЧИЛАРИ БЕЛЛАШУВИ

Ҳар бир миллат ва элатнинг миллий анъаналари борки, улар замон ва даврлар алмашсада, сақланиб қолмоқда, баъзилари янада такомиллашиб чуқур илдиз отаётир.

Маълумки, буюк соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги ва республикамиз мустақиллигининг беш йиллигига бағишлаб «Соғлом авлод учун» дастурини амалга оширишда фаол иштирок этиш, шунингдек жисмоний-тарбия ва спортнинг миллий турларини янада ривожлантириш ва тарғиб қилиш мақсадида Гулистон шаҳрида спортнинг миллий турлари бўйича республика қишлоқ спартакиадасини ўтказишга қарор қилинди. Спартакиадани ўтказишга Узбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Узбекистон давлат жисмоний-тарбия ва спорт қумитаси, қишлоқ хўжалик вазирлиги «Узагросаноат» мажмуи ходимлари касаба уюшмаси, «Уздонмаҳсулот», «Узмевасабзавотузумсаноат», «Узгўштсаноат» коорпорациялари ва Узбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси ташаббус билан чиққан. Гулистон шаҳарида республика қишлоқ спартакиадасининг очилиш маросимида Узбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси муовини Тулқин Собитов, Сирдарё вилояти ҳокими Ғуломқодир Ҳасановлар сўзга чиқиб турли вилоятлардан келган қишлоқ спортчиларига мусобақаларда улкан зафарлар тиладилар. Ота-боболаримиз маънавий меросини тиклаш - спортнинг миллий турларини ривожлантиришда ўз маҳоратларини намойиш этишда омад ёр бўлишини айтдилар. Спартакиада катта спорт байрамига айланиб кетди. Меҳмондўст гулистонликлар спортчиларни кенг кучоқ очиб кутиб олдилар. Миллий таомлар билан сийлашди. Узбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Давлат жисмоний-тарбия ва спорт қумитаси, бошқа нуфузли ташкилотлар спартакиадани ўтказишда молиявий жиҳатдан ҳиссаларини қушганлар.

Спартакиада голибларини совғалар, пул мукофотлари ва бошқа совринлар кутяпти. Мусобақадан спортнинг мини-футбол, амреслинг, кураш, тош кўтариш, шахмат-шашка, енгил атлетика ва арқон тортиш турлари ўрин олган. Умумкоманда ҳисобида биринчи ўринни эгаллаган команда 10 минг сўм, иккинчи ўринни эгаллаган эса 8 минг сўм ва учинчи ўринни қўлга киритган 6 минг сўм пул мукофотлари билан тақдирланади. Шунингдек, ҳар бир спорт тури бўйича голиб чиққанга 6 минг сумдан, иккинчи ўрин учун 5 минг сўм, учинчи ўрин учун эса 4 минг сўм пул мукофотлари ажратилган. Шахсий биринчиликда галаба қозонган спортчи 3 минг сўм билан мукофотланади.

Узбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Узбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ «Ишонч» газетаси ҳам энг яхши ўйин кўрсатган футбол жамоаси учун ўзининг махсус совринини таъсис этди.

Ҳа, республикамизда жисмоний-тарбия ва спортни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Гулистонда қишлоқ спортчилари спартакиадаси фикримизнинг далилидир. Келгусида бу спартакиада Марказий Осиё қишлоқ спортчилари беллашувига айланса нур устига нур бўларди.

Улуғбек АХРОРОВ

Етти иқлим нафаси

МДҲ МАМЛАКАТЛАРИДА

Россия миллий хавфсизлик кенгашининг котиби Александр Лебеднинг Буюк Британиянинг «Файненшл таймс» газетаси мухбирига берган интервьюси Британия жамоатчилиги эътиборини тортди. Мулоқот НАТОнинг Шарққа қараб кенгайиши ҳусусида борганлиги унга бўлган қизиқишни оширди. А.Лебеднинг айтишича, Россия эндиликда тинчликка реал ҳарбий хавф туғдирмайди. Шунинг учун НАТОнинг Шарққа кенгайишига унинг эътирози йўқлигини билдирди. Бироқ, бу жараён жуда узоқ чузилиши ва гоят қимматга тушиши мумкин ҳамда шу билан боғлиқ харажатлар муаммолар келтириб чиқариши мумкин, деди.

Журналист НАТОнинг Шарққа қараб кенгайишига кечаги кунгача қарши бўлиб келган Россиянинг А.Лебедь тимсолида янгича қарашига жамоатчилик эътиборини тортади. Бу воқеада А.Лебедь фикри гоят қимматлидир, деб таъкидлайди у, чунки унинг фикри фақат Россия раҳбариятидаги иккинчи шахс фикри бўлиб қолмай, балки зобитлар корпуси катта қисмининг ҳам қарашларини англатади.

****

Чеченистондаги Россия кучлари жангарилари позицияларига ҳаво ҳужумларини қайтадан тикладилар. Қаттиқ ёмғирлар ва туман натижасида вужудга келган танаффусдан сўнг якшанбада шундай маълумот олинди. Қурбонлар ҳақида маълумотлар йўқ. Чеченистон жанубидаги стретегик муҳим тоғ йўлида жойлашиб олган жангарлар Россия қушинлари ҳужумини қайтардик, деб эълон қилишди. Россиянинг янги мудофаа вазири И.Родионов Москва жангарилардга ҳужумни тўхтатмоқчи эмас, деди.

Чечен мухолифати Федерал томон билан тўғридан тўғри мулоқотларга тайёр, - Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг Грозныйдаги вакили Т.Гулдиманн шундай хабар қилди. Олдинроқ у айирмачилар бош штаби бошлиги Аслан Масхадов билан учрашганди.

****

Халқаро валюта фонди (ХВФ) Грузияда иқтисодий ислоҳотлар давом этишига қатъий ишонч билдирди. ХВФ делегацияси Фонд томонидан ишлаб чиқилган республикада таркибий ўзгаришларни амалга ошириш дастурининг бажарилиши билан танишиб чиқиб, шундлай хулосага келди. ХВФ экспертларининг фикрича, ҳукумат олиб бораётган иқтисодий сиёсат натижасида Грузияда инфляция секинлашиб, миллий валюта курси мустаҳкамланиб бормоқда. Шу муносабат билан иқтисодиетни таркибий қайта қуриш ишига катта эътибор бериш, аграр секторда, савдони ҳусусийлаштириш ва эркинлаштириш, банк тизимида бу борада қўйилган дастлабки қадамларни мантиқий ниҳоясига етказиш муҳим аҳамиятга эга.

****

Ашхабодда тожикларо музокаралар бешинчи босқичи якунларининг муҳокамаси давом этаяпти. Сиёсий масалалар тугуни асосий тўсиқ бўлиб қолмоқда. Мустақил кузатувчиларнинг баҳосига қараганда, музокаралар ҳали-бери ниҳоясига етмайди. Тинчлик ўрнатилишидан ҳам ҳали дарак йўқ. Тожикистон сиёсий тузумини узил-кесил қайта қуриш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Мухолифат аввалгидай ҳокимиятни тенма-тенг бўлишга эришишга интиляпти. Ҳукумат эса унинг вакилларини фақат маслаҳат органи - Тожикистон халқлари форуми таркибига киритишгагина рози.

ХОРИЖДА

АҚШ Президенти Б.Клинтон кеча Оқ уйда терроризмга қарши янада қатъийроқ чораларни белгилаш масалаларини муҳокама қилиш учун Конгресс ва ҳуқуқ органлари вакиллари билан учрашди. Президент Атлантадаги Олимпия богида юз берган бомба портлашидан бир кун кейин Янги Орлеандадаги ташаббусни эълон қилди. Маълумки, ушбу портлаш натижасида 2 киши ҳалок бўлиб, юздан ортиқ одамлар яраланганди. Б.Клинтон ҳуқуқ органлари халқаро ёки ички терроризм алоқаси борлигидан қатъий назар, террорчиларни қўлга олиш учун барча зарурий аше ва имкониятларга эга бўлишини таъминлашини таъкидлади.

****

БМТнинг Босниядаги юқори мартабали вакили Майкл Стайнер маҳаллий ҳокимият билан чатишиб кетган гангстерлар-Мостерни бирлаштиришга қаратилган сайловлар натижаларини бойкот қилган хорватлар орқасида яширинib турибди, деди. Бироқ, деди ю М.Стайкер БМТ полициячи кучлари ва НАТО қўшинлари янги шаҳар кенгашини қўллаб-қувватлаш зарурати туғилса, гарбий Мостерга киradилар. Бу ерда мусулмонлар қисман қўпчилик овозга эга булганлилар. М.Стайкер Мостердаги хорватларни сайлов натижаларидан рози бўлишларига эришиш мақсадида Хорватия Президенти Х.Тужманга тазйиқ ўтказмоқда. М.Стайнер фикрича, бойкотчилар ўз мақсадларига эришганлари тақдирда Босниядa сентябрь ойида ўтказиладиган умуммиллий сайловларнинг амалга ошишига жиддий халақит бериши мумкин.

****

Бурундининг тутси қабиласига мансуб янги ҳукмдори ҳафтанинг охиригача кенг ваколатли миллий бирлик ҳукуматини тузиб бўлишини айтди. Собиқ генерал Пьер Буайяни армия қўллаб-қувватламоқда. Якшанба куни матбуот конференциясида сўзга чиқиб, у ҳукуматга раҳбарлик қилиши керак бўлган бош вазир номзодини излашда жиддий муаммони кўрсатмаётганлигини билдирди. Бироқ, у ушбу номзод ким эканлигини айтмади.

Пьер Буайя, унинг ҳукумати Руандадан ҳуто қабиласи аъзоларидан бўлган қочоқларни зўрлик билан ҳайдаб чиқаришга чек қўяди, деди. Янги ҳарбий ҳукмдор шунингдек, ҳукуматни қўллаб-қувватловчи армия халқаро ва минтақавий қонунларни, шу жумладан қочоқларни ҳимоя қилишга тааллуқли қонунларни ҳам ҳурмат қилишини таъкидлади.

****

Испания америкалик нолегал 17 муҳожирни мамлакатдан чиқариб юборишни уларнинг жўшқин норозиликлари туфайли кечиктирди. Самолёт уларни территориал Гвинеяга қайтариб олиб бориб қўйиши керак эди. Полиция ҳабар қилишича, улар самолётда бақир-чақир қилиб, қар томонга тупуриб, тўполон кўтаришган. Шундан кейин бошқа йўловчилар шикояти асосида уларни самолётдан олиб қолишга мажбур булишди. Нолегал муҳожирларнинг сиёсий бошпана сўраб қилган мурожаатлари оқибатсиз қолдирилди.

Жаҳон матбуот агентликлари материаллари асосида

Асакадан мактублар

РАВШАНБЕК КОРЕЯГА БОРАДИ

Аслида мактубнинг биринчиси газетамизнинг 9 июль сонида босилган эди. Зероки, «УзДЭУавто» Узбекистон—Корея қушма корхонасининг довруғи ҳозирдаёқ республикамиз, Марказий Осиё, қолаверса, дунеининг қатор мамлакатларига ёйилиб улгурди. Унинг маҳсулотига нисбатан буюртмалар оқимининг кўпайиб бораётганлигининг, дастлабки харидор жаҳондаги тараққий топган давлатлардан ҳисобланган Англия ишбилармонлари булганлигининг узиёқ Узбекистонимиз саноати ойдин йўлга тушиб олаётганлигининг яна бир далилидир. Мухбиримизнинг Асака шаҳридан йўллаган мактублари ушбу корхона фаолияти ва истиқболи, унинг бунедкорлари ва ишчи-хизматчиларининг меҳнати ҳамда орзу ва ўйлари ҳақида ҳикоя қилади.

Равшанбекнинг Жанубий Кореяга бир ярим йиллик муддат билан ҳунар ва тил ургиниш учун кетаётганлиги ҳақидаги ҳушхабар олис тоглар багридаги Нанай қишлоғига дарров тарқалди. Одамлар ўрта мактабни битиргач, армия хизматини ҳам тугаллаб қайтган, болалагидан техникани жондилдан севган, беш-олти ой елиб-югуриб булса-да, анча узоққа — Андижон вилоятининг Асака шаҳридаги «УзДЭУавто» Узбекистон — Корея қушма корхонасига ишга киришга эришган йигитнинг тиришқоқлигини билишарди-ю, аммо шунчалик эътиборга тушади, деб ўйлашмаган экан. Шунинг учун ҳам одамлар ўгли қолиб, бугун умри деҳқончилик ва богдорчилик орқасидан ўтаётган отасини ҳам янгилик билан қизғин қутлашарди.

— Буям республикамиз мустақиллигининг шарофатидан, — дерди табрикларга жавобан Исмоилжон ака мамнун жилмайиб. — Мен етмиш йил яшаб Узбекистон ҳудудидан четга чиқмаганман. Эшитишимча, олдинлари бирон гуруҳ таркибида хорижга борадиган кишини ҳам тегишли идоралар етти пуштигача суриштираркан. Мана ҳозир пулингиз ва хоҳишингиз булса, Ер юзини етти марта айланиб келсангиз ҳам марҳамат. Минг шукурларким, шундай кунларга етишдик. Ҳатто, ўғлим бир тийин сарфламасдан хорижга боришгина қолмасдан энг ноёб ҳунарни эгаллайди, уша элнинг тилини урганади. Шундай шароит яратганлиги учун республикамиз ҳукуматига, президентимиз Ислом Каримовга мингдан-минг раҳмат, дейман.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг қарори

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясини чақириш тўғрисида

Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Биринчи чақириқ Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессияси 1996 йил 29 август куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Узбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
1996 йил 26 июль.

* * *

Олий Мажлис олтинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилиши назарда тутилмоқда:

1. Узбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси иккинчи қисмининг лойиҳаси (иккинчи ўқишда).
2. Нотариал тўғрисидаги Қонун лойиҳаси (биринчи ўқишда).
3. Адвокатура тўғрисидаги Қонун лойиҳаси (биринчи ўқишда).
4. Сиёсий партиялар тўғрисидаги Қонун лойиҳаси (биринчи ўқишда).
5. Узбекистон Республикасининг Консуллик устави лойиҳаси.
6. Хориждан маблағларни жалб қилиш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси.
7. Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси.
8. Уруғчилик тўғрисидаги Қонун лойиҳаси.
9. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги Қонун лойиҳаси.
10. Ноширлик фаолияти тўғрисидаги Қонун лойиҳаси.

Ушбу масалалар билан бир қаторда Олий Мажлиснинг ваколат доирасига кирадиган бошқа масалалар ҳам депутатлар муҳокамасига киритилиши мўлжалланмоқда.

• Касаба уюшмаларида

ЯНГИ ТАШАББУС БИЛАН

Узбекистон кимё саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қумитаси тармоқ касаба уюшмаларида ишларнинг намунали олиб борилиши, меҳнаткашларнинг оғирини енгил қилиш, соҳада кунгилдагидек натижаларга эришиш мақсадида бир қанча ибратли тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Марказий Қумита ташаббуси билан яна бир хайрли ишга қул урилди. Яъни республикамиз пойтахти ва вилоятларидаги тармоқ касаба уюшмалари раислари, раис ўринбосарлари ва бош ҳисобчилар маълум бир тартибда суҳбатдан утказилмоқдалар. Бунда уларнинг ҳам иқтисодий, ҳам ҳуқуқий, ижтимоий савиялари яққол намоён булиб, кенг қамровли синовдан утадилар.

- Касаба уюшмаси Марказий Қумитаси томонидан тармоқ касаба уюшмаси фаоллари уртасида суҳбат утказиш тартиби тўғрисида Низом қабул қилинган булиб, ушбу Низом Узбекистон кимё саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмасининг II съезди қарорлари асосида ишлаб чиқилган, - дейди Узбекистон кимё саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қумитасининг раис ўринбосари Мавжуда Халилова.

Умумий Низомда махсус суҳбат дастури тузилган булиб, ушбу дастур асосида утказилган суҳбат натижасида суҳбат иштирокчиларининг билим ва касбий маҳоратлари, улардаги масъулият ҳисси, ижодий фаолликлари, янгилик ва ғояларни илгари суриш қобилиятлари аниқланади. Шунингдек, суҳбат давомида танланган ходимнинг Узбекистон Республикаси касаба уюшмалари, бандлик хизмати, меҳнатни муҳофаза қилиш ҳақидаги қонунлари, Меҳнат Кодекси буйича республикада утказилаётган ижтимоий, иқтисодий ислоҳотларнинг асосий йуналишлари тўғрисидаги билимларига алоҳида эътибор берилади. Суҳбат икки йилда бир марта утказилади.

Суҳбат дастурининг ижобий натижалар берган биринчи босқичи тармоқ касаба уюшмаси Марказий Қумитасида утказилди. Суҳбатнинг иккинчи босқичи бошланғич ташкилотларнинг касаба уюшма фаоллари уртасида жадвалга асосан учинчи квартал давомида утказиб борилади. Суҳбат дастурига асосан тегишли тартибда тузилган саволлар туплами билан танишиб жавоб бериш билан биргаликда махсус реферат тайёрлаб тақдим этадилар. Буларнинг барчаси сезиларли даражада бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг келгусидаги қатъиятлилигини оширишда яхши самаралар курсатади.

Бугунги кунгача ушбу тадбир Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида утказиб булинди. Эндиликда республикамизнинг қолган вилоятларида амалга оширилади.

Суҳбат натижаларини Марказий Қумитанинг VII Президиумида муҳокама қилиш мулжалланган.

Хасан МУСАЕВ.

• Касаба уюшма ҳаёти

РАҲБАР ТАДБИРКОР БЎЛСА

Трест касаба уюшма қумитасининг раисини суроқлаб бориб, учратолмадик. Рустамбек Анварович бошқарувчи билан иншоотларга чиқиб кетган экан. Дарвоқе, «Тошуйжойинвестқурилиш» молия — қурилиш корпорациясига қарашли 12-трест ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қумитасининг раиси Рустамбек Бурҳониддинов доимо одамлар орасида, тиниб-тинчимайди. У мана бир неча йилдирки, жамоа касаба уюшмасига етакчилик қилиб келмоқда.

12-трест улкан қурилиш ташкилотдир. Унинг таркибида 8 та қурилиш майдони, 2 та механизациялашган кучма жамланма булиб, икки минг нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Жамоа бунёдкорлари шу кунларда республика мустақиллигининг 5 йиллиги шарафига фидокорона ишлаб, белгиланган топшириқларни шараф билан уддаламоқдалар. Жумладан, Мустақиллик майдонида республика мустақиллигининг 5 йиллиги танталарини утказиш учун саҳна тайёрлаш ва бошқа тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Бу ишларин 2-кучма жамланма қурувчилари бажармоқдалар.

Жамоа қурувчилари томонидан бугунги кунда пойтахтимизда куплаб маданий-маиший, маъмурий бинолар, турар жойлар қад ростламоқда. Ж. Обидова кучасида Ҳайвонот боғи, Сулаймонова кучасида Зарбхона, Форобий кучаси 120 та хонадонга мулжалланган 5 та уй-жой бинолари ва бошқа иншоотлар қурилиши жадал суратлар билан олиб борилаяпти. Хадрадаги «Хадра» соғломлаштириш марказининг муҳташам теннис кортини трест бунёдкорлари «Наврўз» байрами арафасида фойдаланишга топширганлар.

Трест ишчи-хизматчилари билан суҳбатлашганимизда, улар иш ҳақи ва мукофотларни уз вақтида олишларида касаба уюшма қумитасининг ёрдами катта булаётганини мамнуният билан таъкидладилар. Дарвоқе, ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар даврида кишиларни иқтисодий-ижтимоий муҳофазалаш, одамлар меҳнатини қадрлаш жуда зарур вазифалардан бирига айланиб бормоқда. Хуш, жамоада бу соҳада қандай ишлар амалга оширилаяпти? Ишчи-хизматчиларнинг маъмуриятдан мамнун булишларига қандай эришилмоқда? Бу ҳақда Р. Бурҳониддинов шундай дейди:

— Аввало, касаба уюшмалари ишчи-хизматчиларнинг, бутун меҳнат аҳлининг манфаатларини ҳимоя қиладиган жамоат ташкилоти эканлигини бир зум ҳам унутмаслигимиз лозим. Қолаверса, республикамиз мустақилликка эришгандан буён миллий қадриятларимиз юзага чиқмоқда, инсон меҳнатини қадрлашга урганаяпмиз. Бу борада жамоамизда муаяйн ишлар амалга оширилмоқда. Биргина ишчи-хизматчиларга иш ҳақларини уз вақтида тулашга қандай эришаётганлигимиз хусусида тухталиб утсам. Ҳозир бизда уртача ойлик иш ҳақи 4,5 — 5 минг сумни ташкил этади. Биз маъмурият билан жамоа шартномасини тузишда ишнинг барча жиҳатларини ҳисобга оламиз. Жумладан, иш ҳақи масалалари маъмурият билан 1994 йилда 5 йил муддатта тузилган жамоа шартномасининг 11 булимида уз ифодасини топган. Иш жараёнида талаб ва таклифлардан келиб чиқадиган турли хил узгариш ва қушимчаларни биз ҳар йили шартномага киритиб борамиз. Бунда албатта маъмурият билан яқиндан алоқамиз ва ҳамкорлигимиз қул келмоқда. Трест бошқарувчимиз Ғофуржон Муҳамедов одамларни уйлайдиган, доимо уларга ғамхурлик қиладиган раҳбарлардан.

Биз корхонага борганмизда бунинг гувоҳи булдик. Бошқарувчи билан касабақум раиси бирга объектларни айланиб, иш жойларидаги шароит, ишчиларнинг кайфияти, уларнинг ҳолидан хабар олиб, нима ҳақдадир қизгин баҳслашишаётган экан. Кейин маълум булишича, уларнинг мунозара мавзуси ишчиларга тушликка ва йул кирага берилаётган пул миқдорини ошириш тўғрисида булган экан. Жамоада ишчиларга куплаб ғамхурликлар қилинаётганидан хурсанд булдик. Жумладан, 36 нафар ишчи-хизматчи имтиёзли равишда уй-жой билан таъминланибди — уй-жой ҳақининг 50 фоизини корхона уз зиммасига олибди.

Трест касаба уюшма қумитаси иш жойларида хавфсизликни таъминлаш, унумли ва самарали меҳнат қилиш учун етарли шароитларни яратиш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш йулида тинмай изланади. Бу йил ана шу мавзуга бағишлаб, корхонада танлов утказилди. Танлов якунларига кура ғолиблар аниқланиб, уларга қимматбаҳо совринлар топширилди. Меҳнат муҳофазасига бағишлаб, семинар ҳам утказилди. Корхона касаба уюшма қумитасида ҳукумат қарорларини урганиш гуруҳи ишлаб турибди. «Бошланғич ташкилот қандай булиши керак?» мавзуида баҳс-муноазаралар уюштириб турилади.

Мирзаали АКБАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

• Долзарб мавзу

ТЕСТ СИНОВЛАРИ: АДОЛАТЛИ ТАНЛОВ ЙЎЛИДА

Республикамизнинг булажак талабалари учун ҳал қилувчи палла келди. Мамлакатимиз олий ўқув юртлари ва ўрта махсус билим юртларига тест синовлари орқали қабул қилиш бусағасида турибмиз. Шу муносабат билан мухбиримиз А.Пардаев Узбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг директори Муҳсин МУҲИТДИНОВга мурожаат қилиб, бу йилги тест синовларининг ўзига хосликлари ҳақида сузлаб беришни илтимос қилди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ҳукумат қарори билан ташкил қилинган булиб, йигит-қизларни билим юртларига тест синовлари орқали қабул қилишда ягона сиёсатни амалга оширишга қаратилгандир.

Тест синовлари Мустақил Давлатлар ҳамдустлиги доирасида биринчи булиб бизда жорий этилиши муҳтарам Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан мамлакатимиз келажагини уйлаган ҳолда қилинган ишлар жумласига киради. Бу биринчидан, энг иқтидорли ўқувчиларни саралаб, олий ўқув юртларига қабул қилинишини таъминлайди. Иккинчидан, биз демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йулида ҳаракат қилаяпмиз. Тест синовлари иқтидорли ўқувчиларни танлаб олишда адолатга қатъий амал қилиш имконини беради. Илгари оғзаки имтиҳонлар чоғида икки-уч савол билан абитуриентларнинг тақдири ҳал қилинган булса, бугунги кунда тест синовлари ёрдамида ўнлаб саволларга берилган жавоблар асосида уларнинг билими ҳолисона баҳоланмоқда.

Бу йил тест синовлари икки босқичда: 1 августда кундуз кунлари ўқийдиганлар учун, 10 августда эса сиртқи ва кечки булимларда ўқийдиганлар учун тест синовлари ўтказилади. Синовлар ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида булади. Булажак талабаларнинг билимини холисона баҳолаш, ҳар хил сохталаштиришларга йул қуймаслик мақсадида бу йил куп вариантли тестдан ўтказиш системасини ишлаб чиқдик. Бу система Ўзбекистон патент идораси томонидан берилган гувоҳнома билан ҳимоя қилинган. Бунинг ўзига хослиги шундаки, тест синовларини ўтказишда биринчи марта имтиҳон тестларини шакллантириш компьютерлар ёрдамида қилинади. ЭҲМ инсоннинг аралашувисиз махсус берилган дастур доирасида тест топшириқларининг вариантларини белгилайди. Тест натижасилари ҳам шу тариқа аниқланади. Бу ёшларни билим юртларига қабул қилишда субъетивизмга барҳам беради.

Бунинг учун тестдан ўтказиш марказимиз замонавий электрон ҳисоблаш машиналари билан жиҳозланган. Жаҳон талабларига жавоб берадиган асбоб-ускуналаримиз тест жавоб варақаларини тез ва аниқ текшириш имконини беради. Тест синовлари натижалари ЭҲМ хотирасида сақланади ва уларга ҳеч ким ҳеч қандай узгартириш кирита олмайди. ЭҲМ барча жавобларни текшириб чиқиб, ўқувчиларнинг билими даражасини автоматик тарзда баҳолайди. Фақат шундан кейингина компьютердан чиққан ҳужжат Олиц ўқув юрти ва ўрта махсус билим юртларининг, институтлар ва техникумларнинг ўқувчиларни қабул қилиш давлат комиссияларига юборилади. Компьютердан чиққан рақамларни ҳеч ким ўзгартиришга ҳақли эмас. Бу абитуриентлар ҳуқуқинининг кафолатидир.

Тест синовлари қарийб юз йилдан буён қулланаётган АҚШ каби мамлакатларда фақат олий ўқув юртларига ўқувчиларни қабул қилишда эмас, шунингдек аксарият муассасаларга ишга қабул қилишда ҳам қулланилмоқда.

Мамлакатимизда ўқувчиларни билим юртларига тест синовлари орқали қабул қилишни такомиллаштириш устидаги ишларимиз давом этмоқда.

Ҳар қандай масалалар купчилик билан кенгашиб иш тутиш орқали ҳал қилинади. Ҳамкасбларнинг ҳамфикр, ҳамроз булганда эса ҳеч бир иш ечимсиз қолмайди. Фарғона вилоятида Узагрохимсервис уюшмасининг Марғилон туманлараро ҳиссадорлик жамиятида ҳам ана шундай иш-режалар ҳамкасабалар орасида белгилаб олинади.

Суратда: (чапдан) бош муҳандис М.Абдуллаев, бош ҳисобчи Ж.Маматбеков, бош ҳосилот касаба уюшма раиси Р.Холматов иш устида.

Ғанижон Муҳаммадқорий сурати.

Ҳиссадорлик жамиятларида нима гап?

ПАЙПОҚНИНГ ЗЎРИ ЖИЗЗАХДА

Аҳмад Соатов номли Жиззах пайпоқ тикув фабрикаси директори Эркин Қобилов жамоатчи мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

Корхонада биз ишни шундай ташкил қилганмиз: ишчиларни иш вақтининг тугаши эмас, топширилган вазифанинг тула-тукис сифатли бажарилиши қизиқтирсин. Шу боис уларга топшириқларини бажаргандаридан сунг ҳохлаган пайтларида уйга кетишларига руҳсат берганман. Негаки, сифат масаласи бизда биринчи уринда туради. Маҳсулот сифатини яхшиламай туриб, бирон натижага эришиш булмайди. Ҳозир чиқараётган маҳсулотларимиз аввалгилардан кура бир неча баробар сифатли булсада, ҳали кунглимиз тулгани йуқ. Қачонки, четдан мол олиб келаётган савдогарлар чет элларга жунатаётганларида пул урнига бизнинг пайпоқлардан олиб кетадиган булишгач кунглимиз тулади.

Молнинг харидоргир булиши учун сифатнинг узи камлик қилади. Сифатли мол ишлаб чиқарган тадбиркор уни харидорга курсата билиши ҳам керак-да! Ҳозир бозорларимиз хорижнинг сирти ялтироқ буюмларига тулиб кетган. Уларнинг купи чидамсиз, бироқ молларга харидорнинг кузи тақланадиган, диққатини тортадиган қилиб ишлов берилган. Биз эса айни шу борада ҳали орқадамиз.

Утган йили ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 10 фоизи вилоятимиз аҳолисига сотилди. Бу курсаткич талабига қараб узгариб бораверади. Умуман, ким пул туласа уша харидоримиз булади. Маҳсулотимизнинг сотилиши буйича савдо ташкилотларидан маҳсулот сотиб олиш буйича бизда бирон марта мурожаат қилинмади ёки буюртма берилгани йуқ. Дуконларнинг купига, айниқса, қишлоқ дуконларига биз чиқараётган пайпоқлар умуман етиб бормаєтир.

Корхонамиз яқинда очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси ҳам шуни курсатиб турибдики, хусусийлаштиришни қанчалик тезлатсак, ишлаб чиқаришда шунча тез усишга эришамиз.

Корхонамизда 972 нафар ишчи хизматчидан айни пайтда 485 нафари ишлаб турган булса, ҳар бирининг узига яраша ташвиши бор. Раҳбар сифатида менинг бурчим ана шу ташвишларни енгиб боришда ҳаммасига кумаклашиш.

Суҳбатдош:
Турдибой СОЙНАЗАРОВ

Ахборот

ҚИЗИҚАРЛИ ЙИҒИЛИШ

Куни-кеча Тошкент шаҳри «Саломатлик маркази»да «Оналик ва болаликни ҳимоя қилиш» мавзусида семинар-кенгаш булиб утди.

Семинар-кенгашни Мирзо Улуғбек тумани ҳокими уринбосари С.Содиқова зи билан очди. Кенгашда шаҳар соғлиқни сақлаш, халқ таълими булимлари хотин-қизлар қумиталарининг раҳбарлари, «Соғлом авлод учун», «Камолот» хайрия жамғармаси вакиллари маҳаллалардаги хотин-қизлар қумиталари ва фаол аёллар иштирок этдилар.

Н.БАҲРОМОВА.

• Меҳнат муҳофазаси

ЖУМАГУЛ НЕГА ЖАБРЛАНДИ?

Қаердадир масалан, иш жойида озгина лоқайдлик, эътиборсизлик булса соппа-соғ одамнинг бир зумда ногиронга айланиб қолиши ёки умри хазон булиши ҳеч гап эмас.

Эндигина 20 ёшга тулган, ҳали турмушга чиқиб улгурмаган олтиариқлик Жумагул Матқаримова «Абдураим» фермер хужалигидаги ҳамкасбларининг ана шундай лоқайдлиги, эътиборсизлиги туфайли соғлигидан ажради, ногирон булиб қолди...

Фарғона вилоятининг агросаноат мажмуи тасарруфидаги хужаликлар ва корхоналарда утган йили меҳнат муҳофазаси учун ҳар бир ишловчига сарфланган маблағ баъзи туманларда айтарли даражада булмади. Масалан, Олтиариқда 111 сум, Боғдодда 18 сум 80 тийин, Фурқат туманида 13 сум 60 тийин, Фарғона туманида бир оз дуруст — 178 сум 30 тийин сарфланибди.

Хуш, энди масаланинг энг нозик томонига келсак, ишлаб чиқаришдаги шикастланиш туфайли «Бағдод»да утган йили учта улим ҳодисаси руй берган. Олтиариқда бир киши ҳаётдан куз юмган. Риштон ва Узбекистон туманларида ҳам шундай воқеалар руй берган. Хуллас, вилоят агросаноат мажмуи буйича утган йили ишлаб чиқаришда 15 киши ҳалок булган, 69 киши эса шикастланган.

— Меҳнат хавфсизлигини яхшилашга вилоят буйича утган йили 54 миллион 764 минг сум сарфланди, — деди агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти қумитасининг бош меҳнат-техник инспектори Абдулазиз Абдуваҳобов. — Натижада жуда куп жамоаларда меҳнат хавфсизлиги ва маиший шароитлари яхшиланди. 527 хужалик ва корхоналардан 423 тасида шикастланиш ҳоллари булмади.

Тугри, қатор хужалик раҳбарлари ва касаба уюшма қумиталари меҳнат муҳофазасига бефарқ қарашлари оқибатида бармоқ тишлаб қолдилар.

Вилоят деҳқончилик саноати уюшмасида (уюшма бошлиғи Анвар Исроилов) жойларда руй берган бундай ҳодисалар зудлик билан урганилмаган ва зарур чоралар курилмаган. Қачонки, биз аралашганимиздан кейингина ҳаракатга тушиб қолишди.

— Бахтсиз ҳодисалар асосан қандай ҳолларда руй берган?

— Асосан меҳнат интизомига риоя этилмагани, меҳнат хавфсизлиги қоидаларини тулиқ билмаслик, жойларда яхши шароит яратилмагани ҳамда маст ҳолда транспорт бошқариш ҳоллари натижасида содир булган. Устига-устак барча туманларда меҳнат муҳофазаси буйича мутахассислар лавозимлари қисқартирилган. Хужалик раҳбарлари ва масъул ходимларнинг назорати сусайиб кетган.

Масалан, Бағдод туманидаги Хазиний номли жамоа хужалиги аъзоси Омон Баҳромовнинг тракторчилик гувоҳномаси булмаганига қарамай, пахта ташишга қуйилган ва у бахтсиз ҳодисага учраган. Э. Усмонхужаев номли жамоа хужалигида эса тракторчи Жумақузи Қосимов носоз тракторни бошқариб, бир кишининг улимига сабабчи булган.

Бундай бахтсиз ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабабларини батафсил урганиб, ҳужжатлаштирдик. 30 раҳбар, техник-муҳандисга меҳнатни муҳофаза қилиш буйича қонун ва қоидаларни бажармаганликлари учун жарима солинди. 5 киши вазифасидан олинди, 5 киши эса жиноий жавобгарликка тортилди.

Бахтсиз ҳодиса туфайли ногирон булиб қолганлар орасида ҳали ҳақини ололмай, сарсон булиб юрганлар бор. Ваҳоланки, ишлаб чиқаришда жароҳатланган ёки касб касалига гирифтор булганларга, боқувчисини йуқотган кишиларга товон пули тулаш республика Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 1 февраль 48-сон қарорида белгиланган ва жойларда амал қилиш учун барча маъмуриятларга юборилган. Бувайда тумани (касабақум раиси А. Абдужалилов) «Янгиқурғон» жамоа хужалигидан ногиронлар Р. Абдураҳмонов, А. Юнусов, Б. Жулиев, Бағдод тумани (касабақум раиси М. Муҳиддинов), «Бағдод» жамоа хужалигидан ногирон М. Холбоев, Фарғона шаҳар «Оқариқ» жамоа хужалигидан ҳалок булган И. Эрматов оиласи ҳозирги кунга қадар ҳам товон пулларини ололмаганлар.

Булар барча ташкилотлар раҳбарлари иштирокида қумитамизнинг раёсат мажлисида қаттиқ танқид қилинди. Жабр курганларни овораи-сарсон қилмаслик, жойларда меҳнат шароитларини талаб даражасига етказиш ва меҳнат муҳофазаси буйича жамоа шартномалари тузиш қатъий талаб этилди. Битимларни тузишда Узбекистон Республикасида жорий этилган «Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат қонунчилигида курсатилган ҳуқуқларни ҳамда берилган тавсияларнинг амалда ижро этилиши»га алоҳида эътибор берилиши зарурлиги таъкидланди.

Қаранг-ки, баъзи жойларда меҳнатни муҳофаза қилишга ажратилган маблағдан унумли фойдаланилмаган ёки бошқа мақсадларга ишлатилган. Шунингдек, Боғдод, Узбекистон, Олтиариқ, Риштон туманлари ва Қуқон шаҳар касабақум раислари — Номоз Муҳиддинов, Жура Ҳакимов, Мирзараҳмат Бозоров, Анвар Ҳусанов, Замира Исроиловалар бошланғич касабақумлар устидан тегишли назоратни сусайтириб юборганликлари учун огоҳлантирилди.

Энди Жумагул масаласига қайтсак.

— Бу фалокат «Олтиариқ» туманидаги «Узбекистон жамоа хужалигида хусусийлаштирилган «Абдураим» фермасида шу йил 17 март куни руй берди. Дағал хашак ва кук беда уришга мослаштирилган комбайнда сира мумкин булмаган ҳолда хашак қирқмоқчи булишган. Комбайнинг айланма барабанидаги бушаб қолган ҳимоя тусқичларини маҳкамлаш ҳеч кимнинг хаёлига келмаган. Натижада қизнинг оёғи айланма барабанга тушиб, қаттиқ жароҳатланган.

Қизнинг ишга келганига эндигина 2 ойу 17 кун тулган булиб, у бузоқбоқарлик вазифасига ишга олинган экан. Хусусий ферма раҳбари Турдиали Валиевнинг уз вазифасига совуққонлик билан қараши шундай кургуликка олиб келганлиги сир эмас.

Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 1 февраль 48-сон қарорига мувофиқ бир йил иш ҳақи бир йула тулансин деб қарор чиқарилди ва бу иш туман прокуратурасига оширилди.

— Яна шуниси ачинарлики, — деб давом этади Абдулазиз ака, — ҳозирги кунда хусусийлаштирилаётган деҳқон (фермер) хужаликлари раҳбарлари ёки жамоа аҳли меҳнат муҳофазасига оид қонун-қоидаларни яхши билмаганликлари ҳолда пала-партиш иш бошлаб юбораяптилар. Ҳокимиятлардаги уртоқлар ҳам уларнинг Низомида меҳнат хавфсизлигига оид йуриқлар бор-йуқлигига қарамай, тасдиқлаб юбораяптилар. Бундай ҳолга чек қуйиш керак.

Ҳа, ҳозир қул қовуштириб утирадиган замон эмас. Ҳар бир киши тадбиркор ёки мулк эгаси булиши учун ундан катта куч-гайрат, билим, зийраклик ва ирода талаб қилади. Меҳнат муҳофазасига ҳар бир киши қатъий амал қилиши зарур. Мутасаддилар эса уз вазифаларига совуққонлик, бепарволик билан қарамасликлари лозим. Акс ҳолда, юқоридаги каби кунгилсиз ҳодисалар руй бермайди деб, ҳеч ким кафолат бера олмайди.

Санъат МАҲМУДОВА,
«Ишонч» мухбири.

РАВШАНБЕК КОРЕЯГА БОРАДИ

(Боши 1-бетда)

Равшанбек туғилиб усган Янгиқурғон туманининг Нанай қишлоғига йулингиз тушганми? Наманган вилояти марказидан олтмиш чақиримлар чамаси кун ботиш томонга юрганингизда чуққилари булутларни уйган Унгор тоғи қад керади. Ундан сал наридан, қушни Қирғизистон чегарасини ялаб оқаётган Почча-ота сой қирғоқларидан эса узунлиги ҳатто Қозоғистон Республикасига қадар чузилган Буспу тизма тоғлари бошланади. Биз тилга олаётган қишлоқ эса Буспу ортида, Почча-ота ва Куксарой тоғлари остонасида жойлашган булиб, табиат бор гузалликларини шу заминдан дариғ тутмагандай. Бу ернинг табиати, куриниши ва иқлими таранглашган асабларингизни ёзибгина қолмасдан турли касалликлардан форит булишингизда кумаклашади. Лекин Яратган қишлоқ учун ҳар қанча саховатлик курсатмасин, ёшлар учун борабора «торайиб» қолмоқда, йигит-қизлар катта шаҳарлар сари интилмоқдалар, замонавий касб-ҳунар эгаллаш йулларини ахтармоқдалар. Равшанбек билан мулоқотимиз жараёнида бу нарсага яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

— Ҳақиқатан, болаликдан техникага қизиққанлигим рост гап, — дейди кулиб йигит, — Ҳаётда узи ҳар ким ҳар хил нарсага қизиқади. Негадир боғча ёшиданоқ менинг техникага ишқим тушиб қолган. Турли темир-терсакни судраб воягa етганман. Қулимга илинган сим ва темир булакларидан асбоб-ускуналар ясаб урганганман. Мактабни битирмасданоқ трактор ҳамда автомобил ҳайдашни урганиб олгандим. Бу борадаги ўқувим армия хизматидаям қул келди. Ҳайдовчилик гувоҳномасини ҳам олганман.

— Нега энди ҳайдовчилик қилмасдан «УзДЭУавто»да ишлашни хоҳладингиз? Ахир, узингиз яшаётган хужаликда, туман марказида, Наманган шаҳрида автокорхоналар бор-ку! Купгина ҳамқишлоқларингиз ва тенгдошларингиз шундай қилишяпти, — сурадим Равшанбекдан.

— Шундай қилиш ҳам мумкин эди, — бир оз сукут сақлагач жавоб қайтарди Р. Нурмуҳаммедов. — Бироқ, менда ҳайдовчиликдан кура автомобил ясашга иштиёқ зур. Шу боисдан олдинлари сиз айтгандек бирон автокорхонага ишга кириб устачилик қилсаммикин ёки енгил автомобилларга техника хизмати курсатиш шаҳобчаларида ишласаммикан, деб ҳам режалаштирган-дим. Қарангки, хизматдан қайтишимда газетада Асакада Корея билан ҳамкорликда қушма корхона қурилаётганлиги тўғрисидаги хабарга кузим тушиб қолди. Қишлоқда куп ушланмасдан уша ёққа қараб югурдим. Лекин қабул қилишлари осон эмас экан, қатор чиғириқ ва синовлардан утишга тугри келди.

— Барибир кирибсиз-ку!

— Ҳа, техникага қизиқишим, бу соҳада куникма ҳосил қилганим иш берди. Умуман, сизга аниқроқ ва очиқроқ айтсам, корхонамизга оддий ишчидан тортиб, мутахассис ва хизматчигача қаттиқ танлов асосида ишга қабул қилинади.

— Корхонадаги ишлар ҳақида батафсилроқ гапирсангиз!

Суҳбатдошим анча фурсат жим қолди ва сунг деди:

— Корхона дарвозасидан кирган булсангиз сезгандирсиз. Бизда дуч келган одамнинг бу хусусда маълумот бераверишли одати йуқ. Лекин шуни биламанки, ишлаб чиқаришнинг тула қувват билан ишга тушишлиги учун 13,5 миллион доллик машина ва ускуналар урнатилиши керак. Ҳозирча уларнинг 7,5 миллион долларлик қисми урнатилди. Буларнинг ҳаммасини Жанубий Кореядан келган муҳандис ва ишчилар бажаришди.

— Энди Корея сафарингиз тўғрисида ҳам икки оғиз тушунча берсангиз.

— Уша ёққа борадиган йигит-қизларга биринчи навбатда тил ургатишяпти. Нега деганда у ерда ишчи-хизматчилар билан мулоқотда булишимиз керак. Етиб боргонимизда ҳунар эгаллаш билан бир қаторда бу борада мукаммалроқ билим олар эканмиз.

Мен олис сафарга жунайдиган Равшанбек Нурмуҳаммедов ва унинг дустларига оқ йул, автомобилсозлик ҳунарини тағин ҳам мукаммалроқ эгаллаб қайтишлари учун муваффақият тилаб, хайрлашдим.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

БИЗДАН СЎРАБСИЗ...

Саволларга ҳуқуқшунос Музаффар ИБРАГИМОВ жавоб беради

Мен 1988 йили Чернобил ҳалокатини бартараф этишда иштирок этиб, 3-гуруҳ ногирон бўлиб қолдим. 1995 йилда санаторияга бериладиган йўлланмадан фойдаланмадим. Унинг миқдори неча сўм бўлади ва бу пулни қайси ташкилотдан олишим мумкин?

Аришбой Очилов,
Бухоро вилояти,Вобкент шаҳри,
Фурқат кўчаси, 5-уй

Узбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1992 йил 12 майдаги «Чернобил ҳалокатидан жабрланган фуқароларни ижтимоий-молиявий ҳисоб-китоб тартиби ҳақида»ги № 12-02-1/361 рақамли хатида курсатилганидек ишлаётган чернобилчилар ва уларнинг фарзандлари санаторий, санатория типидаги дам олиш оромгоҳларида саломатликларини тиклашганида унга бериладиган йулланма касаба уюшмасининг ижтимоий суғурта жамғармасидан туланади.

Фойдаланилмаган йулланма учун бериладиган туловлар эса юқорида келтирилган хатнинг 4-бандига кура ишламаётган чернобилчилар учун яшаб турган жойидаги ижтимоий таъминот булимидан, ишлаётганларга эса иш жойида давлат бюджети ҳисобидан берилади.

Туманимизда 52 та Чернобил ҳалокатини бартараф этиш иштирокчилари яшайдилар. Уларга яратилган имтиёзлар тўғрисида маълумот беришингизни сўраймиз.

Қ.ТОБИРОВ,
Фарғона вилояти, Ўзбекистон
тумани «Чернобил»
уюшмасининг
котиби

Узбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Чернобиль ҳалокатини бартараф этишда иштирок этган фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида 1992 йил 6 апрелда 170-сонли қарори қабул қилинган. Бунга қушимчалар киритиш тўғрисида 1994 йил 11 январда 7-сонли қарор қабул қилинган. Узбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1992 йил 12 майдаги «Чернобил ҳалокатидан жарбланган фуқароларни ижтимоий муҳофазалаш тартибларини амалга оширишдаги ҳаражатларининг молиявий ҳисоб-китоб тартиби ҳақида»ги N 12-02-1/361 рақамли хатида курсатилган қуйидаги имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқи берилган:

1) Нурланиш касаллигига чалинган шахслар ва ногирон кишиларга дори-дармонлар врачнинг рецепти буйича бепул берилади. Улар ҳар йили санаторий ва курортларда бепул даволанадилар ёки курорт йулланмасининг ўртача қиймати миқдорида компенсация пулларини оладилар. Бундан ташқари улар ясама тишларни бепул тайёрлатиш ва тузатиш ҳуқуқига ҳам эгадирлар. Вақтинча меҳнатга лаёқатсиз булиб қолган тақдирларида ойлик маош миқдорида нафақа олишлари мумкин.

Турар-жой масаласида ҳам улар учун бир қатор имтиёзлар берилган. Турар-жой шароитларини яхшилашга муҳтож деб топилган чернобилчилар керакли турар-жой майдони ёки қушимча хона билан таъминланадилар. Квартира ҳақининг эса 50 фоизини туланадилар.

Чернобил аварияси натижасида ҳалок булганлар, нурланиш касаллиги туфайли вафот этганлар ва вафот этган ногиронлар оилалари иситиш, электр қуввати, водопровод, газдан фойдаланганлик учун белгиланган ҳақнинг 50 фоизинигина тулайдилар. Марказлаштирилган иситиш тармоғига эга булмаган уйларда яшовчилар эса сотиб олинган ёқилғи миқдорининг 50 фоизини тулайдилар.

Зиён курганларнинг пенсия таъминотида ҳам бир қатор узгаришлар булади. Нурланиш касаллигига чалинган шахсларга ва ногиронларга бериладиган имтиёзлар ва туловлар фақат шулардан иборат эмас. Улар турли хил солиқлардан озод этиладилар. Биринчи навбатда уй-жой, телефон билан таъминланадилар, фоизсиз ссуда оладилар, турли хизматлардан навбатсиз фойдаланадилар.

1993 йил 1 июлдан бошлаб Чернобил ҳалокатидан зиён курган фуқароларнинг оилалари боқувчисини йуқотган ҳолларда ногиронлик пенсияларининг қуйидаги энг куп миқдорлари белгиланган:

- Биринчи гуруҳ ногиронларга энг кам иш ҳақининг 10 бараварӣ миқдорида;
- иккинчи гуруҳ ногиронларга энг кам иш ҳақининг 8 баравари миқдорида;
- учинчи гуруҳ ногиронларга энг кам иш ҳақининг 4 баравари миқдорида;
- боқувчисини йуқотган ҳолларда меҳнатга қобилиятсиз ҳар бир оила аъзосига энг кам иш ҳақининг 3 баравари миқдорида.

Ушбу руйхатнинг биринчи булими 3-бандида курсатилган, 1986 -1987 йилларда Чернобил АЭСидаги ҳалокат оқибатларини тугатишда қатнашган шахсларга саломатлигини тиклаш учун ҳар йили энг кам иш ҳақининг 3 баравари миқдорида бир йула моддий ёрдам туланади. Юқорида курсатиб утилган пенсияга таллуқли имтиёзлардан боқувчисини йуқотган оилаларнинг меҳнатга қобилиятсиз аъзолари ҳам фойдаланадилар.

Барча имтиёзлардан фойдаланиш ва уларни билиш учун қисмати Чернобил фожиаси билан боғланган кишилар вилоят ва туман чернобилчилар уюшмасига бориб, узлари ҳақида тула маълумот бериб, улардан тулиқ маълумот олишлари тавсия қилинади.

1. Биринчи гуруҳ ногироними. Менга қараб турғани учун оиламга, яъни турмуш ўртоғимга пенсия тайинланадими?
2. Мен ҳозирда фақатгина ер солиғини тўлашдан озод қилинганман холос. Менга электр қуввати ҳақини тўлашда, кўмир сотиб олишда имтиёзлар борми?

Нормаҳаммад ШЕРМАТОВ,
Андижон вилояти, Пахтаобод
тумани, Ёлғизбоғ қишлоғи

1. Биринчи гуруҳ ногиронига қараганлиги учун қараб турувчи шахсларга қонунга асосан ишламаган кунларини ҳисобга олган ҳолда ушбу кунлар нафақага чиққан пайтида иш стажига қушиб ҳисобланиши назарда тутилган. Оилангизнинг сизга қараган кунлари иш стажига киради.

2. Биринчи гуруҳ ногиронлари қуйидаги имтиёзлардан фойдаланишлари мумкин:

а) Врач курсатмасига асосан дори-дармонларни 50 фоиз арзон нархда олиши мумкин.

б) Санаторий-курортларга 2 йилда бир марта бепул йулланма билан таъминланиши ва махсус аравача, протезларни бепул олиш ҳуқуқига эга.

в) Йилнинг октябрь-май ойларида поезд ва шаҳарлараро транспортларга 50 фоиз ҳақ тулаб чипта олишлари мумкин.

г) Уйга навбатсиз телефон утказиш ҳуқуқига эгалар.

д) Олаётган барча фойдадан даромад солиғи 50 фоиз миқдорда туланади.

е) Газ, электр қуввати, сув ва коммунал хизматлари учун туланадиган туловларда ёлғиз ногиронларгагина имтиёзлар берилади.

Сиз ногиронлик сабабини тулиқ курсатмагансиз. Агар касалликнинг келиб чиқиш сабаблари тулиқ курсатилганда эди саволингизга тула жавоб олар эдингиз.

Ёшим 44 да. 25 йиллик педагогик стажга эгаман. 22 ёшимда сурункали бронхит астма касаллигига дучор бўлдим. Беш йил давомида 2 гуруҳ ногирони нафақасини олдим. Яқинда 1 гуруҳ ногиронлиги берилди. Айтингчи, менга қандай имтиёзлар бериладиди?

Робия ҲАБИБОВА,
Навоий вилояти Қизилтепа
тумани

Узбекистон Республикаси Президентининг Фармонларига асосан педагог ходимларга давлат ва ташкилотлар ҳисобидаги уй ва турар-жойлар шахсий мулк сифатида имтиёзли равишда уз-узига берилади. Ҳамда улар педагогик ва илмий педагогик иш стажидан қатъий назар турар-жой ва маиший хизматларга имтиёзли ҳақ тулаш ҳуқуқига эга буладилар.

Пенсионер педагог ходимлар ҳам юқоридаги имтиёзлардан фойдаланадилар. Барча педагог ходимлар соҳа буйича иш муддатига боғлиқ булмаган ҳолда, агар пенсияга чиқиш вақтида турар-жойи ва маиший хизматлар учун имтиёзли ҳақ тулаш ҳуқуқларига эга булишса пенсияга чиққандан кейин ҳам шу имтиёзлари сақланиб қолинади. Давлат ва ташкилот жамғармасига ва қурилиш кооперативларига қарашли уйларда ҳамда шахсий уйларда яшовчи педагогик ходимлар маиший хизматлар, сув, газ, электр қуввати ва иссиқлик учун имтиёзли ҳақ тулаш ҳуқуқига эга буладилар.

Қишлоқ ва шаҳар шаклидаги қишлоқ жойларида яшовчи педагогик ходимлар турар-жойи ва маиший хизматлар учун ҳақ тулашдан озод этиладилар. Шаҳарда яшовчи педагогик ходимлар ушбу ҳақларни тулашдан 50 фоизга озод этиладилар.

Ишлаб турган вақтингизда қандай имтиёзлардан фойдаланиб келган булсангиз, пенсияга чиқилганда ногиронлик сабабли юқорида курсатилган давлат имтиёзларидан фойдаланиш ҳуқуқи берилади.

Бундан ташқари, 1 гуруҳ ногиронлиги учун мактабда ёки бирор корхонада ишлаганда 100 фоиз ойлик маоши ва 100 фоиз ногиронлик пенсиясини олиш ҳуқуқига эга буладилар.

Машриқзамин дарғалари

КОШИФИ АСРОРИ ҲАҚИҚАТДУР УЛ...

Алишер Навоий — нақшбандий. Унинг тариқатдаги пири устози ҳазрат Абдураҳмон Жомийдир. Устоз — шогирднинг илмий, маънавий, ижодий муносабатлари хусусида кўплаб илмий ишлар қилинган. Аммо, Навоий ва Жомий муносабатларида пир ва муридлик жиҳати ҳам борки, бу адабиётшунослигимизда нисбатан кам тадқиқ этилган. Биламизки, Навоий устозига бағишлаб «Ҳамсат ул-мутаҳаййирин» асарини ёзган. Бу асарнинг ёзилишидан анча олдин эса у «Хамса»ни битган эди. «Хамса»нинг ҳар бир достонида Жомийга алоҳида фасл бағишланган. Хўш, «Хамса»да Жомийнинг қандай пирлик сифатлари қаламга олинади?

Аввало, айтиш лозимки, Навоий достонларида устозига улуғ сўз санъаткори, хамсанавис, тариқат пири мезонларидан туриб баҳо берган.

Илк достон «Ҳайрат ул-аброр» («Яхши кишиларнинг ҳайратланиши»)да Жомий тариқатнинг қутби, ҳақиқат сирларини кашф этувчи сифатида мадҳ этилади:

Улки бугун қутби тариқатдур ул,
Кошифи асрори ҳақиқатдур ул.
У катта олам — «олами кубро»,
Аллоҳ қудратининг нишонаси:
Қайси жаҳон олами кубро дегил,
Қудрати Аллоҳу Таоло дегил.

Навоийнинг ёзишича, Жомий «қаҳфи бақо» — мангулик ғорига муяссар бўлган зот. Бу ғорга етишиш учун солик ваҳдат жомидан симириб, фано даштида «маъдум» бўлиши — йўқ бўлиши лозим.

Каҳфи бақо ичра алар бўлса гум,
Мен ҳам ўлай рабиуҳум калбуҳум.

Тариқат муршидининг фано даштидаги маъдумлигини тўлатўкис кўрсатувчи асар «Фарҳод ва Ширин»дир:

Бўлуб андоҳ фано даштида маъдум,
Ки сайри шоҳроҳи хатти мавҳум.

Тасаввуфда «ҳотиф», «пири ҳотиф» деган истилоҳ бор. Ҳотиф — ғойибдан оқ фотиҳа берувчи. Тариқатга кирган солик учун ҳотифи аввал — Оллоҳ. Сўнг эса тариқатдаги пири.

Чу бўлди барча аҳволимға воқиф,
Манга ҳуд бўлди ул иккинчи ҳотиф.

Демак, Навоий учун Яратгандан кейин иккинчи ҳотиф — йўл кўрсатувчи ҳазрат Жомийдир.

Ҳар қандай пири-муршид ҳам авлиё бўлолмайди. Чунки авлиёлик босқичининг ўз мезонлари, ўз риёзатлари бор. Илоҳий маърифатдан бехабар, Ҳақ Таоло уни ўзига қурб-яқин қилиб танлаган ва муҳаббатига сазовор қилган ва энг асосийси қалбини нури билан мунаввар этган сўфийгина авлиё ҳисобланади. Навоий «Лайли ва Мажнун»да Жомийнинг ана шу валийлик, авлиёлик сифатига урғу беради: «Валоят сипеҳрининг ахтари жаҳонтоби ва ҳидоят маъданининг гавҳари сероби ва назм авжининг меҳри фалак эҳтишоми ва маоний жомининг ринди софий ошоми, яъни Мавлоно Нуриддин Абдураҳмон Жомий...»

Хўш, Жомий қандай авлиё? Унинг тасаввуф оламидаги мавқеи қай даражада? Қандай асарлар битганки, Навоий уни бу қадар улуғлайди? Шу каби саволларга «Хамса»нинг бошқа достонларидан ўзига хослиги билан фарқ қиладиган «Сабъаи сайёр» асаридан жавоб топиш мумкин:

Ибни Ҳожиб демайки, Жоруллоҳ,
Онча тафсир ишинда йўқ огоҳ.

Тафсир — Қуръони Карим оятларини изоҳлаш. Навоий устозини тафсир илмида ягона саналган Ибн Ҳожиб ва Жоруллоҳга менгзайди. Ибн Ҳожиб ким-у, Жоруллоҳ ким? Ибн Ҳожиб — Абу Амр Жамолиддин Усмон бинни Умар (1175-1249), араб тили грамматикаси билимдони. Ҳазрат унинг «Кофия» асарига шарҳ битган ва бу шарҳ — дарслик «Шарҳи Мулло» номи билан мадрасаларда бирданбир қўлланма сифатида фойдаланилган. Жоруллоҳ эса хоразмлик машҳур арабшунос, тафсирлари бутун оламга ёйилган Маҳмуд бинни Умар Замахшарийдир.

Пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи вассалам ҳадисларини саралаб, назмда қирқ ҳадис битиш анъана тусини олган. Жомий ҳам анъанага содиқ қолиб, «Арбайин» тузади. Кейинчалик Навоий шу асарни туркийга таржима қилади.

Ҳам ҳадис ичра сарбаланд шажар,
Ким етишмай анга юз Ибн Ҳожар.

Яъни, буюк муҳаддис Ибн Ҳожар ҳам ҳадисларни назмга тизишда Жомий олдида аднодир.

Жомий 1470-1471 йилларда сўфий шоир Ибн ал-Фариднинг «Қасидаи Ҳамрия» асарига «Лавомиъ фи-шарҳ ул-Ҳамрия» шарҳини ёзган. Айтмоқчиманки, унинг қалами «Лавомиъ»...ни бунёд этиб, (илоҳий) нур шуълаларини уфқларга етказди. Агар Жомий улуғ авлиё Юсуф Ҳамадонийнинг «Ламаот»ига жавоб тарзида ёзган «Ашиъатул-ламаот» сўфий, машойихлар ҳақида маълумот берувчи «Лавойиҳ» асарларида тасаввуфнинг баъзи бир қирралари хусусида сўз юритган бўлса, бу таълимотнинг назария ва амалиётини «Нафаҳотул-унс мин ҳазарот ул-удс» (Пок зотлар ҳузуридан эсган дўстлик ислари) тазкирасида исботлаб берди. Асар Навоий илтимоси билан ёзилган. Унда 616 та авлиё, шайх, сўфийлар ҳаётидан маълумотлар, ибратомуз ҳикоятлар келтирилади.

Навоий «Хамса»даги тўрт достондан кейин ҳали ҳеч ким фатҳ этмаган донимандлик ва зукколик, ҳикмат ва сеҳр мамлакатини қўлга киритди: «Садди Искандарий» ёзилди. Агар «Ҳайратул-аброр» бутун бешликнинг бошланмаси бўлса, «Садди Искандарий» достонларининг қаймоғи. Унда бутун «Хамса»да салафларига берилган таъриф ва хулосалар жамланади.

Достонда таърифланишича, Жомий ўз муриди наздида май қуювчи. Унинг майидан осмондаги малоикалар ҳам, пок ва улуғ сўфийлар ҳам сархуш бўлишарди.

Бўлуб чун анинг жомидин журъачаш,
Бўлуб чарх сўфилари журъакаш.

Навоий «чарх суфийлари» деганда ҳақиқий фаришталари ва сўфийларга ишора қилади. Чунки фаришталар энг пок, тоза Аллоҳнинг мўъжизаси. Сўфийлар ҳам фоний дунё ҳирс-ҳавасларидан воз кечган, фақат Яратганни тан оладиган инсонлар. Демак, Навоийча, сўфийлар фариштадай пок, тоза бўлса, майхона сархайли Жомий улардан-да покроқ, улардан-да тозароқ пири-муршид.

Навоий бешликда устозининг жами ўн тўққиз пирлик сифатларини келтиради. Лекин шу барча сифатларни ушлаб турувчи ягона асос — Жомийнинг пири комиллиги.

Бугун комил ул навъ мафҳум эмас,
Бурун бор экан доги маълум эмас.

Байтдаги комилликни тасаввуфдаги етуклик деб тушуниш керак. Сулукка кирган солиқ аста-секин шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат босқичларини босиб ўтгач, комиллик касб этади. Яна-да тўғрироғи, Аллоҳ васлига восил бўлади. Навоий ёзишича, аввал ҳам, ҳозир ҳам Жомийдай баркамол авлиёнинг бўлгани маълум эмас.

«Садди Искандарий»нинг хотимасида ҳам Жомий васф қилинади. Бу фаслга бутун «Хамса»нинг якунланмаси сифатида қараш керак. Бешлик ёзиш иштиёқи билан юрган аллома шоир вужудида аллақандай андиша, иккиланиш сеза бошлайди. Шунда у пири-муршиди олдига боради. У устоз даргоҳига боришни Маккага тавофга бориш билан тенглаштирса, уйининг остонасини беҳишти аълога, фаришталар саждагоҳига қиёслайди:

Қаю остон, тавфгоҳи фалак,
Қаю тавфгоҳ, саждагоҳи малак.

Пирнинг уйи шу даражада муқаддас зиёратгоҳ бўлса, муршиднинг ўзига қандай баҳо бериларкин?

Не хилват намудори чархи бирин,
Не хилват нишин, балки Руҳул-амин.
Ани айлабон равшан анвори қудс,
Мунинг нутқидин равшан асрори қудс.

Яъни, у хилватнишинликда Руҳул амин — Жаброил алайҳиссалом. Агар Жаброилнинг муқаддас нур равшан айлаган бўлса, Жомийнинг сўзларидан муқаддас сирлар аён бўларди. Хўш, Жомий нега Жаброил алайҳиссаломга ўхшатилди? Маълумки, Жаброил алайҳиссалом Аллоҳ Таоло билан пайғамбаримиз Муҳаммад саллолоҳу алайҳи вассалом ўртасида элчи, воситачи бўлган. Тариқатда эса Аллоҳ билан мурид ўртасида воситачиликни пир бажаради. Демак, Жомий барча муридлари (шу қатори Навоийга ҳам) га Аллоҳдан дарак берувчи фариштадек пок зот.

Насроний (христиан)ларнинг пайғамбари Исо алайҳиссалом Яратганнинг ҳоҳиш иродаси билан ўликка жон ато этган. Навоий пир дуосини олгач, уни Исога, дуойи сўзларини эса ўликка жон ато этган мўъжизага ўхшатади.

Топиб жон берур сирринниг огаҳи,
Топиб нутқум анфоси руҳуллаҳи.

Хулласи калом, Алишер Навоий ўз устози, пири, ҳамфикри, Ҳазрат Жомий ёрдамида тариқатга кирди, тасаввур илми ва одобини ўрганди, пир дуойи-ўгитларидан руҳланиб, туркий тилда ягона «Хамса» ёзди ва буюк хамсанавислар сафига қўшилди, улар эгаллаган мартабалардан ҳам баландроқ пояга чиқди.

Нодирбек НАСРИДДИН,
ФА Адабиёт институтининг аспиранти.

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

ЛОҚАЙД БЎЛМАНГ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари, аҳоли пунктлари, халқ хўжалиги иншоотларида ёнғин хавфсизлиги чораларини кучайтириш мақсадида 1996 йил 1 июлдан 31 июлгача ёнғин хавфсизлиги ойлиги ўтказилди. Миробод туманида ёнғиннинг олдини олиш, унга қарши курашиш чора-тадбирлари, бу борада амалга оширилаётган ишлар тўғрисида 3-ёнғиндан сақлаш бирикмаси катта назоратчиси, ички хизмат капитани Элдор ОРИПОВ мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

- Республикамизда ойлик ўтказилиши муносабати билан Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси, ёнғиндан сақлаш бошқармасига қарашли ҳарбийлашган жамоаси ҳам уни намунали, кўнгилдагидек ўтказишга ҳаракат қилдилар. Халқимизда ўт балосидан асрасин, деган ибратли нақл бор. Жамоамизнинг асосий вазифаси Миробод тумани ҳудудидаги корхона ва ташкилотлар, уйлар ва бошқа жойларда ёнғиндан муҳофаза этиш, ўт чиқмаслиги чораларини кўриш, бундай нохуш ҳол юз берган тақдирда тезкорлик билан уни тўхтатиш чора-тадбирларини кўриш ва унга қарши аёвсиз курашиш, ўт балосини даф қилишнинг самарали усул ва йўлларини қўллаш каби масъулиятли ишлардан иборат.

Ут тушгандан сўнг уни ўчиришдан кўра фалокатнинг олдини олиш муҳим ва мақсадга мувофиқдир. Ойлик ўтказилишининг асосий мақсади ҳам ёнғиннинг олдини олиш чораларини кучайтириш, ўт балосининг юз беришига йўл қўймасликдан иборат. Ёнғин содир бўлиши не-не машаққатлар эвазига пешона тери билан эришилган бойликларимизнинг неснобуд бўлишига олиб келади. Шу билан биргаликда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш - бу инсон ҳаётининг муҳофазаси ҳамдир. Миробод туманида 1996 йилнинг дастлабки 6 ойида бўлган ёнғинлар 700 минг сўмликдан зиёд зарар келтирди. Бунинг замирида ҳеч қандай тўловлар билан қайтариб бўлмайдиган азиз инсон умри турибди. Чунки айрим ўт чиқиш ҳоллари фожиага олиб келмоқда. Ёнғинда куйиш оқибатида баъзи инсонларнинг соғлиғидан ажралиш, ҳаттоки дунёдан кўз юмиш ҳоллари юз беришини кўз олдимизга келтирсак, ёнғиннинг ҳақиқий бало эканлигини илғаш қийин эмас.

Ойлик давомида бирикмамиз томонидан Миробод туманида жойлашган корхона, ташкилот, муассасалар ва олий ўқув юртлари, турар-жой даҳалари, маҳаллалар, саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари каби масканларда ёнғиннинг олдини олиш, бу нохуш ҳол юз берганда ёнғинни ўчиришнинг бирламчи воситалари билан қай даражада таъминланганлиги бўйича текшириш ишлари ўтказилди. Жумладан, «Фотон» ҳиссадорлик жамияти, Ўзбекистон темир йўлларни таъмирлаш машиналари ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент Давлат Шарқшунослик институти, Самолётсозлик институти, Кимё-технология институти каби ташкилотлар назоратдан ўтказилди. Шунингдек, туманнинг мактабгача тарбия муассасалари, мактаблар қошида ташкил қилинган ўқувчиларнинг ёзги дам олиш оромгоҳларида ёнғин хавфсизлиги бўйича текширувлар уюштирилди.

Ўтказилган текширишлар ҳар бир ташкилотда ҳам аҳвол кўнгилдагидек эмаслигини кўрсатди. Жумладан, Тошкент Давлат Фармацевтика институти, тумандаги 2-, 3-, 4-қурилиш-таъмирлаш бошқармаларидаги ёнғин хавфсизлигига тайёргарлик ишларининг, инвентарларнинг қониқарсиз аҳволдалиги маълум бўлди.

Тумандаги Э.И.Отахонов номидаги Тошкент шаҳар физиотерапия (собиқ Федорович) шифохонаси, 4- ва 11-туғруқхоналардаги ҳолатларнинг анча яхши эканлиги қувонарли ҳолдир.

Ёнғиннинг олдини олишда одамлар ўртасида тарғибот ва тушунтириш ишларининг олиб борилиши, корхона ва ташкилотларда, аҳоли ўртасида ўтказиладиган суҳбатлар, маҳаллий радиолар ҳамда кабель телевидениеси орқали олиб бориладиган тушунтириш ишлари ва шу каби тадбирлар, уларда келтирилган мисоллар кишиларни сергаклантириб, олов билан жуда эҳтиёткор бўлишга одатлантиради. Бундай тадбирлар йилдан йилга ёнғиннинг олдини олишда самарали натижалар бермоқда. Яқинда Алишер Навоий театри майдонида Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси ёнғиндан сақлаш бошқармаси ҳамда Миробод тумани 3-ёнғиндан сақлаш бирикмаси томонидан аҳоли билан учрашув уюштирилди. Бу учрашувда халққа ёнғиндан сақлаш техникалари намойиш этилиб, зарур йўл-йўриқлар берилди.

Шу ўринда якунланган ёнғин хавфсизлиги ойлиги ушбу фалокатдан бутунлай қутилиш учун жамиятнинг барча кучлари, жамоатчиликнинг иштироки талаб этилишини, ҳар бир жойда ёнғинга қарши эҳтиёт чоралари кўрилишига эришиш унинг олдини олишнинг муҳим шарти эканлигини яна бир бор тасдиқлади. Пайтдан фойдаланиб, ота-оналар, ўсмирлар барча-барчадан ёнғин хавфсизлигига риоя қилишда жуда зийрак ва эҳтиёткор, сезгир бўлишларини сўрардик. Чунки электр, газ ускуналарининг носоз ҳолда қолиб кетиши, симларнинг очиқ, бир-бирига теккан ҳолда назоратсиз ётиши, эътиборсизлик натижасида болаларнинг гугурт ўйнашлари, оддий сигарет қолдиқларини ўчирмасдан дуч келган жойларга улоқтириб юбориш, кераксиз пайтларда ҳам электр асбоблари ва газ плиталарининг ёқиқ ҳолатда қолиши ва бошқа кўплаб шу каби лоқайдликлар ёнғин чиқишининг бош сабабчиларидир.

«Ишонч» мухбири
Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА ёзиб олди.

«БАҲС»ДА БАҲСЛИ ТОМОШАЛАР

Театр шинавандаларининг қалбидан ўрин олган «Баҳс» халқ театри ижодий жамоаси 1977 йилда Мар Байжиевнинг «Баҳс» спектакли билан муҳлислар ҳузурига чиққанди. Бухоро Тўқимачилик ҳиссадорлик жамияти маданият саройида фаолият олиб бораётган мазкур ижодий жамоа шу йиллар ичида тинимсиз изланишда бўлди. Қатор янги асарларни театр шинавандалари ҳукмига ҳавола этишди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Файзулла Абдуллаев театрни ташкил этилишидан то шу бугунги кунгача истеъдод соҳиблари билан турли жанрлардаги асарларни саҳнага олиб чиқиб, санъат шайдоларининг қалбига кириб бордилар. Ижодий жамоанинг ўша илк спектаклида муҳаббат ва нафрат, инсон қалбига қараб иш тутмас экан, охир бир куни барчаси пучга чиқиши, ҳаётини елга совурганини англаб етиши муқаррар эканлиги ҳаяжонларга бой саҳна томошасида ўз аксини топганди. Орадан кўп ўтмай Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг муҳаббат ҳақида ҳикоя қилувчи «Ишқ қурбонлари» саҳна асарини тақдим этдилар. Бунда ҳам режиссёр Файзулла Абдуллаев ҳаққиқий муҳаббатни куйлаганди. Асардаги асосий ролларни ижро этган ҳаваскор артистлар ҳам Мариямхоннинг муҳаббати барча нарсадан устунлигини маҳорат билан томошабинга етказиб бера олдилар.

Театрнинг «Эзоп» асари аввал Бухоро вилоят бадиий ҳаваскорлар кўригида, сўнгра республика халқ театрлари танловида иштирок этиб биринчи ўринга сазовор бўлди. Бу эса унинг шуҳратига шуҳрат қўшди. 1985 йилда театрнинг мазкур асари кўплаб вилоят саҳналарида ҳамда Ўзбекистон ойнаи жаҳони орқали томошабинларга тақдим этилди. Қалб гўзаллиги барча нарсадан устунлиги, инсон ташқи қиёфаси эмас, юракдан гўзалликни ҳис эта олиши асарнинг асосий мазмунини белгилайди. Сарвар Азимовнинг «Қонли сароб» асарида эса ижодий гуруҳ Ватанга муҳаббат туйғусини улуғлайди. 1987 йилда саҳна юзини кўрган «Ўлимдан кучли» асари ҳам инсоний туйғуларни улуғлаши билан барчанинг эътиборини тортди. Асар режиссурасининг мукаммаллиги, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари, улар саҳнага олиб чиққан образларнинг мақсадлари аниқлиги бу асарни ҳам бир неча кўрик танловларда нуфузли ўринларни олишгача сабаб бўлди. Шу йили республика халқ театрлари кўрик танловида «Ўлимдан кучли» спектакли ҳакамлар ҳайъати томонидан иккинчи ўринга лойиқ деб топилди.

Рихсивой Муҳаммаджонов қаламига мансуб «Давлат болалари» асари ҳам ҳаваскорлар ижросида ўзининг жозибасини топа олди. Ота-онага бўлган муҳаббат, болаларнинг ота-она меҳрига талпинишлари ҳаяжонларга тўла саҳналарда намоён бўлади. Мазкур саҳна ҳам 1990 йилда ўтказилган «Республика халқ ҳаваскорлари театрлари танлови»да иккинчи ўринга сазовор бўлди. Театр ижодкорлари болалар мавзусини давом эттириб «Сен етим эмассан» асарини саҳнага олиб чиқдилар. Оғир уруш йиллари, ўз уйларидан йироқда ўзбек хонадонида яқинларига талпиниб яшаётган болакайларнинг қалб тугёнлари акс этган спектакл ҳам кўплаб театр мутахассислари эътиборини ўзига қаратди. Шароф Бошбековнинг «Тиконсиз типратиконлар», Борис Васильевнинг «Ҳур қизлар», Шукруллонинг «Жанжал», Наримон Орифжоновнинг «Сўнмас чечаклар», Ўлмас Умарбековнинг «Бўронли йиллар» ва бошқа кўплаб саҳна асарлари борким, бу асарлар театрнинг ижодий йўли ҳақида сўзлайди. Ҳаваскор артистлар комедия, драма, трагедия жанрида ҳам бирдай маҳорат билан саҳнага чиқдилар ва асар мазмунига мос ҳаракатлари билан мухлисларни ўзларига ром этадилар.

Театр ижодхонасида санъатнинг сеҳрли олами билан ошно бўлган, кўплаб санъаткорлар илк сабоқларини олганлар десак муболаға бўлмайди. Садриддин Айний номидаги Бухоро вилоят театрининг бош режиссёри Анвар Азимов, етакчи артистлардан Йўлдош Генжаев, Аҳтам Қудратов, Ҳамид Исмоилов ва бошқа ижодкорлар илк образларини «Баҳс» халқ театрида ижро этгандилар.

Бугунги кунда ҳам ўзларининг иккинчи истеъдодлари билан халқимиз олқишига сазовор бўлиб ранг-баранг образлар яратаётган Дилбар Мавлонова, Дилфуза Сафарова, Каримжон Ҳолиқов, Орифжон Тиллабоев, Карим Қўлдошев, Гуландом Жўраевалар ҳам вақти келиб катта саҳналарда санъат мухлислари ҳузурига чиқсалар ажаб эмас. Бугун эса улар ўзларининг севган театри саҳнасида турли жанрлардаги образларни яратмоқдалар. Яқиндагина ижодий жамоа саҳнага олиб чиққан Мар Байжиевнинг «Келин ва куёв» спектакли оилавий муносабатлар, муҳаббат ва нафрат, бир-бирларига бўлган ишонч ҳақида ҳикоя қилувчи мазкур саҳна асари орқали ижодий жамоа бугунги ёшларни ҳушёрликка чақиргандай бўладилар. Инсонга ато этилган умрни беҳудага ўтказмасликка, инсон қалби суйган кишисигина дил изҳори айтиши лозимлигини уқтиради. Асар қаҳрамонлари бир-бирларини севсаларда, ўртадаги иккиланиш оқибатида икки томонга ажраб кетадилар. Ўрталаридаги муҳаббат эса чилпарчин бўлади. Бу билан ҳаваскор артистлар муҳаббат чин бўлганида асло бундай бўлмасди, соҳта интилишлар эса ҳақиқиг севги бўлолмайди, деган мазмунда асарни саҳнада гавдалантирганлар. Ҳали кўплаб ижод маҳсуллари билан театр шинавандаларини мафтун этадиган «Баҳс» эса бугун изланишда.

С. СИРОЖИДДИНОВ.

Ўзингизни билинг!

ОИЛАДА ҲАМЖИҲАТЛИК УЧУН

Очигини айтинг - жиддий нарсалар хусусида, масалан эр-хотин муносабатлари ҳақида ўйлаб турасизми? Эҳтимол, қандайдир нохушлик, ўзгаришлар содир бўлаётгандир.? Агар шу маънода ўзингизни синашни истасангиз, қуйидаги саволларга эр-хотин бирга жавоб беринг. Сўнг хулосаларни кўриб чиқасиз.

1. Мабодо яна бир турмуш ўртоғингизни танлаш имконияти туғилса яна айнан ўз ҳаёт йўлдошингизга тўхтаган бўлармидингиз?
а) Ҳеч қачон.
б) Жиддий ўйлаб кўришимга тўғри келарди.
в) Фақат уни танлаган бўлардим.

2. Янги одамлар билан танишишни кўпроқ ёқтирасизми ёки эски қадрдонларингизни хуш кўрасизми?
а) Эски дўстларим кўпроқ ёқади.
б) Янги танишувлар, янги одамларни ёқтираман.
в) Баъзан айрим ўзгаришларнинг зарари йўқ.

3. Қай бирингиз кўпроқ рўзғор билан банд бўласиз?
а) Эрим (аёлим).
б) Албатта мен.
в) Рўзғор ишларим мени қизиқтирмайди.

4. Пул ҳақида нима деяоласиз?
а) Бу энг муҳим масала, афсуски у ҳамиша етишмайди.
б) Пул танқислиги эр-хотин муносабатларига ҳам салбий таъсир этиши мумкин.
в) Бу энг муҳими эмас, бироқ пулсиз ҳам осон бўлмайди.

5. Фикрингизча эрингиз (хотинингиз) сизни қандай қадрлайди?
а) Қадрламайди.
б) Кўпроқ миннатдор бўлса ҳақи кетмасди.
в) Менинг ўзим уни қадрлармикинман?

6. Эрингиз (хотинингиз) сизнинг ташқи қиёфангизга эътибор берадими?
а) Ҳамиша мендан нуқсон топади.
б) Қандай кийинишим ёки кўринишим билан унинг мутлақо иши йўқ.
в) Ҳамиша қизиқиб кузатади.

7. Рўзғор ишларингизнинг боришидан мамнунмисиз?
а) Бир нави.
б) Ҳа.
в) Бизнинг рўзғоримизни рўзғор дейиш ҳам қийин.

8. Сиз билан қайнота-қайноналарингиз ўртасидаги муносабатлар қандай?
а) Улардан ўзимни олиб қочишга интиламан.
б) Уларга ҳурмат билан қарайман.
в) Уларни яхши кўраман.

9. Байрам ва таътил кунларингизни оилангиз билан бирга ўтказишни ёқтирасизми?
а) Бошқачасини тасаввур ҳам қилолмайман.
б) Менга барибир.
в) Мен учун бу зерикарли бўларди.

10. Уйингизни яхшилаш, безашга интиласизми?
а) Бундан муҳимроқ ишларим ҳам кўп.
б) Ҳа.
в) Баъзи-баъзида буни ҳам эслаб тураман.

Очколар

Саволлар:	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
а)	3	2	1	3	3	2	2	3	1	3
б)	2	3	3	1	2	3	1	2	2	1
в)	1	1	2	2	1	1	3	1	3	2

Ушбу синов-сўров бўйича тўпланган очколарингиз хулосасини газстамизнинг келгуси сешанба сонида ўқийсиз.

«ЎЗИНГИЗДАН МАМНУНМИСИЗ!» синов-сўровлари бўйича хулосалар:

120 дан кўп очко тўплаган бўлсангиз сиз ҳаддан ташқари ўзингиздан мамнунсиз. Ўйлашимизча, соғлом, ўз-ўзига танқидий қараш руҳи ва адолатли баҳолай билиш қобилияти етишмайди. Дўстларингиз ва яқинларингиз кўмагида ушбу ҳолатни англаб етиш ва тўғри баҳолашга ҳаракат қилиш кўринг.

60-120 очко: Сиз ўзингизга етарли даражада ишонасиз, бироқ ҳаддан ортиқ ўзига бино қўйиш, ўзингиздан мамнунликдан узоқсиз.

60 дан кам очко тўпласангиз сиз ўзингизга ёқмас экансиз. Ўзингизни қўлга олиб, дадилроқ бўлинг. Атрофингизга назар ташлаб, ўйлаб кўринг - сиз ўзингизни тўғри қадрламаётган бўлиб чиқишингиз ажабмас.

Даврада қувнаб ёшлар,
Завқ билан ўйин бошлар.

Лабларда гулгун ханда
«Лазги»га ўйнаганда...

«ЎЗЁҒОЧҚОҒОЗСАВДО»
акционерлик жамияти

Ўзбекистон халқини
яқинлашаётган
Ўзбекистон Республикаси
Мустақиллигининг 5 йиллиги
муносабати билан қизғин
муборакбод этиб,
1 августдан 1 сентябргача
ўз маҳсулотларини
10 фоиз арзон нархда
сотишини маълум қилади.

Мурожаат учун манзил:
700161. Тошкент ш.
Камол Шарипов кўчаси 50-уй.
Телефон: (3712) 41-30-71,
79-65-31, 79-38-22.

Истеъмолчи манфаати муқаддас!

БОЗОРДАН БОЗОРНИНГ ФАРҚИ БОР

Хусусий тадбиркорлик йўли билан чет эллардан келтирилаётган озиқ-овқатларнинг сифати талабга жавоб бермаслиги бугун кўпчиликка сир эмас. Таркиби стандартга тўғри келмайдиган маҳсулот энг аввало инсон саломатлигига зарар етказади. Эл соғлиғини сақлаш, истеъмолчи манфаатини ҳимоялаш эса энг муҳим вазифалардан. Бу ҳақда қонун қабул қилингани бежиз эмас.

Хўш, Самарқанд бозорларида озиқ-овқат маҳсулотлари сотилишини, сифатини назорат қилиш бўйича қандай чора-тадбирлар кўрилаяпти. Вилоят бош санитария ҳакими ўринбосари Музаффар БАҲОДИРОВ «Ишонч» мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди.

Кейинги йилларда Самарқанд шаҳрида ва вилоят туманларида ўнлаб янги бозорлар очилди. Ҳозир вилоятдаги 45 та бозорнинг салкам ярми типовой лойиҳа асосида қурилган. Бозорларга қувурлар орқали сув, ҳатто иссиқ сув ўтказилгани, тозаликка, ободончиликка эътибор берилаётгани кишини қувонтиради. Бозорнинг кўплиги, маҳсулот сероблиги яхши. Аввало, нарх-наво барқарорлашади. Ва яна «Бозори борнинг баракаси бор» дейишади.

Бозорларнинг кўпайиши, уларда савдо-харид ҳажмининг ортиши бозор муносабатларига асосланган давр учун табиий ҳолдир. Иложи борича унинг ривожланишига кўмаклашиш керак. Бозор бир қараганда, ҳар ким ўз билишича иш тутадиган, савдо-сотиқ қиладиган маконга ўхшайди. Лекин унинг ҳам ўзига яраша тартиб-қоидалари, анъаналари, қолаверса давлатимизнинг қонунлари борки, бозор остонасидан ҳатлаган ҳар бир киши буларга итоат этиши шарт. Ҳужасизлик, тартибсизлик, ўзбошимчалик илдиз отган жойда элнинг манфаатига зарар етади.

Қадимда сайёҳлар эл-юртнинг аҳволини, маданиятини, турмушини, хайр-баракасини билмоқ истаса бозорга киришаркан. Агар шу фалсафага асосланадиган бўлса, иштихонликларнинг турмуши ҳақида илиқ сўз айтиш қийинлашади. Иштихон тумани марказидаги деҳқон бозори майдони каттагина. Аммо анча вақтдан бери қаровсиз қолган кўринади. Бозор ҳудудига асфальт ётқизилмаган. Салгина шамол кўзғалса тупроқ кўчади. Ақалли ҳар замонда сув сепиб қўйишнинг ҳам иложи йўқ. Чунки сув қувурлари ўтказилмаган. Муҳим савдо расталари кўпдан таъмирланмаган. Дидсизларча ўрнатилган кўчма расталар синиб ифлос бўлиб ётибди. Тарози паллалари ювилмайди. Қисқаси, Н.Муҳаммадиев раҳбар бўлган бу бозорда антисанитария ҳолати ҳукм сурмоқда. Бинобарин, озиқ-овқат, мева-сабзавот маҳсулортларини сотишда санитария-гигиена талаблари қўпол равишда бузилмоқда. Бошқача айтганда, истеъмолчи манфаатига дахл қилиниб, элнинг саломатлиги хавф остига қўйилмоқда. Масалан, техширув ўтказилган куни бозорга келтирилган ва сотилаётган мева, сабзавот, полиз, сут ҳамда бошқа бир қатор маҳсулотлар лабаратория кўригидан ўтказилмаган. Қассоб Тоир Эргашев эса ветеринария текширувидан ўтказилмаган гўштни кўча шароитида бемалол сотмоқда. Бошқа гўшт дўконларида ҳам маҳсулотни сақлаш, тозаликни таъминлаш учун шароит йўқ. Ҳолбуки, бу ерда ветсанэкспертиза лабараторияси мавжуд. Шундай қониқарсиз аҳвол юзага келган шароитда лабаратория мудири Р.Пирназаров нима билан машғуллигини англаб етолмадик. Унинг ўзи эса текширувлар ўтказиш учун кимёвий моддалар етишмаслигини баҳона қилишдан нарига ўтмади. Бозор маъмурияти-чи? Унинг вазифаси чек пулини йиғишу расмий ҳисоботларни тайёрлашдан иборат эмас-ку? Бу саволларга туман ҳокимлиги истеъмолчи манфаатини ҳимоялашга доир қонун талабларидан келиб чиқиб жавоб беради, деб ўйлаймиз.

Самарқанд тумани иқтисодий жиҳатдан анча бақувват. Аҳолисининг турмуши ҳам бошқа туманлардагига нисбатан юқори. Лекин туманнинг Хўжа Гавшер қишлоғидаги деҳқон бозори шароити талабга мутлақо жавоб бермайди. Маҳсулот турлари бўйича алоҳида расталар белгиланмаган. Ҳамма нарса аралаш жойлаштирилган. Нон ва нон маҳсулотлари санитария-гигиена талабларига жавоб бермайдиган аравачаларда сотилмоқда. Бозор ветсанэкспертиза лабараторияси мудири Б.Нурмуҳамедов мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари сифатини назорат қилмайди. Бу маҳсулотлар 1996 йилнинг 5 ойи мобайнида бирор марта ҳам жиддий текширилмаган. Лабараториядаги махсус ускуналар анча вақтдан бери ишлатилмагани яққол кўриниб турибди. Шунинг учун ҳам сотувчилар ўз савдо ўринларини таъмирлашга, тартибларга риоя қилишга эътиборсиз қарамоқда. Қассоблар Б.Ҳаитов, А.Нуриддинов, А.Ҳамидовга тегишли гўшт дўконлари таъмирталаб бўлиб қолган. Уларнинг айримлари тиббий кўрикдан ўтиш муддатини анча кечиктириб юбораётганига нима дейсиз?!

«Мармар» бозори Самарқанд шаҳрининг марказида жойлашган. Бир неча йилдирки, бозорни таъмирлаш, реконструкция қилиш ишлари олиб борилмоқда. Шунинг учун ҳам бу ерда кўп ҳолларда гўшт, сут маҳсулотлари, жумладан колбаса, сариёғ ва бошқа тез бузилувчи озиқ-овқатлар очиқ расталарда ҳарорат режимига амал қилинмаган ҳолда сотилаяпти. Бозор ҳудудидаги гўшт дўконларининг кўпчилиги совутгичлар билан таъминланмаган. Текширув чоғида яроқлилик муддати тугаган озиқ-овқатлар ҳам савдога чиқарилаётгани, айниқса аксарият хусусий сотувчилар тиббий кўрикдан ўтмагани аниқланди.

Зирабулоқ тажриба синов заводи қошидаги тижорат бозори 200 савдо ўрнига мўлжалланган. Янги ташкил этилгани боис асосан кўчма расталардан иборат. Бироқ шу кичкина бозорда ҳам тартиб ўрнатилмаган. Шакар, ун, салқин ичимликлар, музқаймоқ, пиво хусусий шахслар томонидан бозор дарвозаси олдида кўча шароитида антисанитария ҳолатида сотилмоқда. Четдан келтирилган озиқ-овқат маҳсулотлари сотаётган кишиларнинг биронтасида маҳсулот сифатини кафолатловчи ҳужжат йўқ. Гулбаҳор Эшқувватова, Назира Ҳакимова Латвияда ишлаб чиқарилган сотиш таъқиқланган қуюқлаштирилган сут, Назарали Латипов яроқлилик муддати тугаган маргарин сотаётгани аниқланди. Ўринбой Исмоилов сотаётган гўшт консерваси айниб кетгани шундоқ кўриниб турибди. Бундай озиқ-овқатни истеъмол қилган киши заҳарланиши, бирор дардга йўлиқиши тайин. Ўрни келганда битта таклифни ўртага ташламоқчиман. Истеъмолга чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулоти сифати учун жавобгарлик ветеринария ва санитария хизмати идоралари зиммасига юклатилган экан, уларга яроқлилик муддати тугаган ва сифатини кафолатловчи ҳужжати бўлмаган маҳсулотни мусодара қилиш ваколатини ҳам бериш керак.

Юқоридаги каби нуқсонлар, қоидабузарликлар бозорларнинг аксарияти учун хос. Биз Булунғур, Тайлоқ, Нарпай туманлари, Самарқанд шаҳри бозорларида ўтказган текширишларимизда ана шундай хулосага келдик. Масалаларни ҳал этиш зарурлиги юзасидан бозор маъмуриятларига ва тегишли ҳокимликларга талабномалар киритдик. Умуман, вилоятдаги назорат идоралари, жумладан вилоят ва туманлар санитария-эпидемиология станциялари ходимлари томонидан даврий текширишлар ўтказилиб турилибди. Хўш, унда нега бундай ҳолатлар учраяпти, деган ҳақли савол пайдо бўлади. Гап шундаки, бозор маъмуриятлари томонидан назорат идораларининг талабномалари етарли бажарилмаётир. Фикримизча, бозор раҳбарлари ва ветсанэкспертиза лабораторияси мудирлари сотувчиларнинг тиббий кўрикдан ўтганлигини, тегишли ҳужжатлари мавжудлигини, маҳсулот сифатини, яроқлилик муддатини мунтазам назорат қилишлари керак. Улар тегишли ҳужжатларсиз иш юритаётган кишиларга бозор ҳудудида савдо қилишга русат бермаслик ваколатига эга. Афсуски, бозор маъмуриятлари бу ҳуқуқдан деярли фойдаланишмаяпти. Бунинг устига биз биронта ҳам бозорда савдо тартиб-қоидалари, сотувчидан талаб қилинадиган ҳужжатлар, чек пули миқдори ва бошқа муҳим талаблар қайд этилган ёзув-лавҳаларни кўрмадик. Шунинг учун ҳам бозорга сотиш учун маҳсулот олиб келаётган кишиларнинг кўпчилиги бундай тартиб борлигини билмайди ҳам.

Албатта, Самарқандда яхши бозорлар ҳам бор. Чунончи, Самарқанд шаҳридаги Сиёб, Дамариқ деҳқон бозорларида, кечки бозорда, Каттақўрғон тумани маркази Пайшанба қўрғони бозорида, Оқтош деҳқон бозорида сотувчи ва харидорлар учун шароитни яхшилаш, санитария-гигиена талабларини бажариш, бозор тартиб-қоидаларига риоя этилишига эришиш борасида анча ишлар қилинмоқда. Ижобий ўзгаришлар ҳам кўзга яққол ташланади.

Самарқанд Буюк Ипак йўлидаги кўҳна шаҳарлардан бири. Бу ерга келиб-кетувчи савдо карвонларининг кети ҳеч вақт узилмаган. Шунинг учун ҳам бозорлар ривож топган. Тарихий манбаларни, улуғ кишиларнинг асарларини варақласангиз ўша давр бозорларининг нақадар тартибли ва озода бўлганини ҳис қиласиз, халқнинг турмуши ва маданияти юксалишида савдо-сотиқ катта аҳамият касб этганини англаб етасиз. Чунки бозорлар нафақат савдо-сотиқ, яъни пул топиш маскани, балки ахборот ва янгиликлар тарқатиладиган, маданият ва маърифат тарғиб қилинадиган жой ҳам бўлган. Мустақиллик шарофати билан халқимизнинг тарихий анъаналарини тиклаётган эканмиз, бу соҳада ҳам боболаримиз яратган савдо илми ва маданиятини ўрганиш, амалда қўллаш, кундалик эҳтиёж, одатга айлантириш керак.

Р.КУРБОНОВ ёзиб олди.

ХАЙЛАР ХАЁТ ОЙНАСИ

• *Мухтарий: хабар беради*

«ДУОБА»НИНГ САҲОВАТИ

Нарпай туманида «Дуоба» қишлоғи бор. Шу ерлик Абдужаббор Ҳайитов «Дуоба» номли кичик корхонани тузди. Корхона дастлаб бур ва оҳак ишлаб чиқаришни йулга қуйди. Кейинчалик гипс ва ганч чиқарила бошланди. Корхонадаги ишчилар сони 40 нафарга етди. Утган йили жамоа 185 тонна оҳак, 240 тонна бур кукуни, 32 тонна ганч, жами 4,5 миллион сумликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарди.

Корхонага хомашё олиб келишда 31-очиқ турдаги ҳиссадорлик автохужаликнинг ҳиссаси катта. Корхона жамоаси саҳоватни унутгани йуқ. Туман марказий ва «Оқтош» шаҳар шифохоналарига бепул гипс бераётир.

Раҳмаиддин КЎЧИМОВ,
Самарқанд вилояти.

ОТ ИЗИНИ ТОЙ БОСГАЧ...

Дунёда касблар кўп. Ҳайдовчиликнинг ҳам ўзига яраша гашти бор. Эргаш ака Носиров «Туркистон» жамоа хўжалигида ана шу соҳада ҳалол ишлаб, эл орасида ҳурмат топган. Ҳасанжон билан Ҳусанжон оталари изидан боришди. Иккаласи ҳам ҳайдовчи. Улар ҳам ўз касбларини ардоқлаб, сидқидилдан меҳнат қилишлари туфайли эл оғзига тушдилар.

Ҳозир хўжаликда ишнинг энг тиғиз дамлари. Бир томонда дон ўрим-йиғими, иккинчи томонда ғўза парвариши бораётир. Ҳаммасида техника ишлайди. Техникага эса ёқилғи керак. Ҳасанжон билан Ҳусанжон юк машиналарида Бухоро шаҳридан кунига ёқилғи ташишади. Ака-ука ўз машиналарини кўз қорачиғидек асраб, моҳирлик билан бошқаришади. Вазифани 1,5 - 2 бараварга етказиб адо этишади. Шу боис меҳнатсевар ҳайдовчилардан барча миннатдор.

С.ҚОДИРОВ,
Пешку тумани.

... ёрдам сўрайди

ЙЎЛЛАНМА БЕРИШАДИМИ?

Мен 2-жаҳон уруши қатнашчисиман. 50 йил бенуқсон хизмат қилдим. 2-гуруҳ ногирониман. Қуқон шаҳар ижтимоий-таъминот бўлимига Олтиариқдаги Қизилтепа санаторийсига йўлланма беришларини сўраб, бир неча бор ариза ёздим. Афсуски, аризаларимга жавоб йўқ.

Шифокорлар менга ва оиламга санаторийда даволаниш учун справка берганлар. Справкани ариза билан қўшиб, ижтимоий-таъминот бўлимига топширганимизда, улар: «Кутинг, йўлланма келса, берамиз», деган эдилар.

Оилам фабрикада кўп йиллар тикувчи бўлиб ишлаган. Кейинги йилларда соғлиғи яхши эмас. Хўш, бизга йўлланмани қачон беришади?

Ҳасан МУХТОРОВ,
Қўқон шаҳри, А.Умархон кўчаси, 117-уй.

• *Мухтарий ён дафтаридан*

ҚАЛБДАГИ САТРЛАР

• *Ўқувчини ўз қалбининг меҳри билан кўра олган муаллимларгина эл олдида ардоқли ва эъзоз.*

• *Сўзига эътиборсизнинг ўзига эътибори йўқ.*
Алардин ҳеч қачон бўлмас элнинг кўнгли тўқ.

• *Устозининг ишончини қозона олган шогирдларнинг йўли очиқ, келажаги нурлидир.*

Эргаш ОТАЕВ,
Қизилтепа тумани, Фурқат номли 28-ўрта мактаб ўқитувчиси

ДИЛ ЗАКОТИ—МЕҲР

Пойтахтимизнинг Миробод туманида жойлашган Ойбек маҳалласи кўп қаватли уйлар бағрида тузилган. Маҳалла аҳли буюк адиб номига, муносиб булиш учун баҳамжиҳат, аҳил яшашади. Бу ерда маҳалла оқсоқоли Саидахрор Аҳмедов бошчилигида турли мавзуларда учрашувлар, суҳбатлар ўтказиш анъанага айланган.

-Маҳалламиз хотин-қизлари ишда ҳам, оилада ҳам бир-биридан лобар, чаққон, қули гул,-дейди хотин-қизлар кенгаши раиси, халқ маорифи аълочиси, фахрий ўқитувчи Турсуной Усмонова.

Кишини элнинг назарига тушиш ёки назаридан қолиши энг аввало маҳалладан бошланади. Орамизда давлат муассасаларида ишлаб оиласи ва фарзандларини гулдек қилиб тарбиялаётган, эл дуосини олиб барчага урнак булаётган аёллар талайгина. Мамлакат Маҳкамова, Лаълихон Йўлдошева каби зиёли оилалар саноғига етолмайсиз. Гулчеҳрахон Раҳимова «Шарқ» концернида узоқ йиллар ҳалол меҳнат қилиб келади, ширин-шакар фарзандларнинг онаси. Узининг уй-рузғор тутиш, юксак маданиятию муомаласи билан маҳалланинг оғзига тушган. Ёшлар бу ораста хонадондан кўп нарсаларни урганишади.Бунга энг аввало оиланинг пири бадавлат онахони Иноят аянинг Гулчеҳрахон билан аҳил, бахамжихат яшаб келаётгани сабаб.

Учрашувга файз киритган,, таниқли сўз устаси республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Турсуной Содиқованинг турмуш қуриш арафасида турган қизларга қимматли маслаҳатлари жуда ўринли бўлди. Оила муаммоларининг ўткир тадқиқотчиси ҳисобланган онахон маҳалла судларини ташкил этиш ғоясини билдирди. Оилавий можароларни маҳалланинг ўзида ҳал этиш мақсадга мувофиқ эканини айтди.

Оила мустаҳкамлиги давлатимиз мустаҳкамлигидир. Ёш оилаларни мустаҳкамлашда аёлнинг ўрни, ширинсўзлиги, тадбиркорлиги қанчалар бебаҳолиги хусусидаги ёркин мисоллари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Учрашувда Миробод тумани ҳокимининг муовини хотин-қизлар қўмитаси раиси Моҳира Раҳимбердиева, шоира Шарифа Салимова, республика маънавият ва маърифат маркази жамоатчилик маркази ходимлари иштирок этишди.

Замира ТЎЛАГАНОВА.



Устоз ва шогирд

... миннатдорчилик билдиради

РАҲМАТ ШИФОКОРЛАР

Қизимнинг ошқозони оғриб, хасталаниб қолди. Дардни даволаш мақсадида Тошкент вилояти болалар шифохонасига ётқиздик. Касалхона шифокорлари фарзандимнинг тез шифо топиб кетиши учун ҳам илми, ҳам тили, ҳам дили билан харакат қилдилар, даволадилар. Касалхонада болаларнинг тез ва соз даволаниб кетишлари учун барча шароитлар яратилган. Уз иссиқхоналари бўлиб, қишин-ёзин беморлар дармонларга бой меваларни тановул қиладилар. Шифохонанинг ички касалликлар бўлими мудири Юнусова, неврология бўлими мудири Дилором Тошбекова қабул жойи шифокори Феруза Мансурова,бўлим мудири Бурхон Расулов, ҳамшира Саодат Назарова, Н.Кирматларнинг енгил қўлларидан шифо топиб кетаётганлар миннатдорлар.

Маҳмуда Валиева, ўқитувчи.

...таклиф киритади

АНИҚ ДАСТУРЛАР БЎЛСА...

Жиззах вилояти аҳолисининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги билан банд бўлганлиги учун у аграр вилоят ҳисобланади. Бугунга келиб қишлоқдаги аграр меҳнатни индустриал меҳнатга айлантириш долзарб масала булиб қолди. Бу эса қишлоққа саноатни кўпроқ киритишни талаб этмоқда. Ҳар бир ҳудудда бу вазифани амалга ошириш учун маҳаллий ҳокимият аввало ўз маблағи ва имкониятларига суянмоғи лозим.

Вилоятни кескин ривожлантириб юборишда тадбиркорлик фаолиятининг роли катта. — Бунинг учун вилоятда ўзига хос дастур ишлаб чиқиш зарур. Менинг фикримча, бугунги кунда вилоятга тадбиркорликнинг етти дастури зарур.

Бу дастурлар қуйидагилардан иборат булади:

Аввало «Аҳоли эҳтиёжини энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш» дастури булмоғи керак. Бу дастур буйича, мисол учун ғаллани оладиган булсак, аҳолининг уруғликка, чорвачиликка ва қайта ишлашга булган эҳтиёжи, уларга кетадиган сарфи урганилади. Эҳтиёж аниқ булгач, унинг манбалари, манбалардан давлат секторига қанча етказиб берилиши аниқланади. Умумий ҳажмига қараб экспорт ёки импорт имконияти белгиланади.

Маълумки, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бугуннинг энг муҳим дастуридир. Корхоналарнинг давлат тасарруфидан чиқарилиши хусусий хўжалик субъектларининг пайдо бўлишига олиб келади. Ҳозирги пайтда ана шу хўжалик субъектлари билан давлат ўртасидаги муносабатларда чалкашликлар мавжуд. Бундай вазиятда «Давлат тасарруфида булмаган корхоналарнинг давлат билан ҳуқуқий ва иқтисодий муносабатларини такомиллаштириш, мувофиқлаштириш» дастурига зарурат туғилади. Бу дастур эркин иқтисодий тараққиётга тўсиқ булаётган баъзи давлат ташкилотларининг давлат тасарруфида бўлмаган корхоналарини назорат қилишга чек қўяди.

Масалага Президентимиз И. Каримов кўрсатмаларидан келиб чиқиб ёндошадиган бўлсак, вилоятда «Аҳолига маиший хизмат кўрсатишни такомиллаштириш» дастури булмоғи лозимлиги ҳам яққол сезилади.

Ривожланган мамлакатларда хизматнинг бу турига катта эътибор қаратилган. Америкада миллий даромаднинг 48 фоизи ҳудди шу соҳадан олинади. Жиззах вилояти сайёҳлар йўлида жойлашганлиги бу соҳани ривожлантиришга имконият беради.

Ҳозирги савдо жабҳасидаги вазият «Қишлоқларда савдо корхоналарининг тўғри жойлаштириш ва қишлоқ аҳолисини энг зарур моллар билан таъминлаш» дастурини ишлаб чиқишни талаб қилаяпти. Бу шунинг учун ҳам зарурки, илгари қишлоқларнинг кўпида битта дукон булади ва қишлоқ аҳолисини биргина дукон билан энг зарур кундалик эҳтиёж моллари билан таъминлаш мумкин эди. Ҳозир уларнинг кўпи хусусийлаштирилиб юборилган. Бизнинг кузатишларимиз шуни кўрсатаяптики, ҳозирча ҳар бир қишлоқда давлатнинг ёки матлубот жамиятларининг дуконлари булиши керак. Утиш даврининг талаби, шуни тақозо этмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида вилоятда «Оила бюджетининг ҳолати ва уни такомиллаштириш концепцияси»га доир дастур булиши ҳам лозимдир. Бу оила бюджетининг шаклланиши манбалари ва уни сарфлашнинг умумий йўлларини кўрсатиб бериши керак.

Айтиш керакки, бу борада «Ишонч» газетаси таҳририяти хайрли ишларни амалга оширди. Газета саҳифасида «Оила бюджети» тўғрисида иқтисодчи олимларнинг туркум мақолалари эълон қилинди. Дастур тузишда ана шу мақолаларда илгари сурилган назарий фикрлардан, амалий таклифлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Халқ хўжалигининг бугунги ҳолатидан келиб чиқиб, «Вилоятда халқ хўжалигининг таркибий тузилиши ва инвестиция сиёсатини белгиловчи» дастурга эҳтиёж бор.

Ушбу дастур инвестицияни ташкил қилишда муҳим аҳамият касб этади. Дастурда келажакни уйлаган ҳолда бугун қандай соҳаларга катта маблағ сарфлаш мумкин ва зарурлиги иқтисодий асосланган булади.

Уйлашимизча, ана шу амалий фаолиятга йуналтирилган дастурлар вилоятимиз иқтисодиётининг маълум даражадаги мавқеини белгилаб берган буларди.

М. ПАРДАЕВ,
Самарқанд кооператив институти профессори.

САЛОМАТЛИГИНГИЗНИ АСРАНГ

(30- июль - 5 август кунлари учун)

30-31 июль кунлари киши нервлари, кузи ва бошқа аъзолари ута нозиклашган пайт булади. Бу кунлари кузни, тиззани операция қилиш зарарли. Бироқ, юракни операция қилиш учун қулай муддат ҳисобланади.

Шуни айтиш керакки, 1996 йил 20 июндан 1997 йил 20 мартгача киши юраги одатдагига нисбатан кўпроқ зарарли зарбаларга учрайди. Бу айниқса, юрак хасталиги бор булган кишиларда кўпроқ учрайди. Бу кунлари жинсий аъзоларда дисфункционал узгариши тезлашади. Кардиохирургия, кардиореанимация муолажалари ва жинсий аъзоларни операция қилишда ниҳоятда эҳтиёткор булиш талаб этилади. Юқоридаги хасталикларни даволашда узгача шароитлар туғилиши ҳам мумкин. Фарзандниг туғилиши даврида қатор муаммолар юзага келади. Умуман, бу даврда туғилган гудакларда карма касаллиги учраши мумкин. Бу даврда оналик ва болаликни ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилиши зарур. Бунда асосий ролни ота-оналар ўз зиммаларига олишлари керак. Аборт - бу туғилажак фарзандни ўлдириш демакдир. Шу боис она ҳаётига хавф булмаса бундай ишга қул урмаган маъқул. Негаки биз гудак олдида жавобгармиз.

Катталар шуни унутмасликлари керакки, болаларни алдаш яхшиликка олиб келмайди. Аксинча, алданганнинг ҳаётига келгусида ёмон таъсир этиши мумкин. Болалар қалбида ишонч ва умидни мустаҳкамлаш учун сўз ва ишда ибрат булиш лозим. Юқоридаги хасталиклар шарқ толеномасига кура болаларимизни, ёрларимизни қалбан сева олмаганимиз, ҳукмимизни оширганлигимиз, бошқаларнинг ижодига ҳалал берганлигимиз учун жазодир. Демак, биз жуда булмаганда қалбан тавбаю тазарру қилишимиз лозим.

1-2 август кунлари буйрак, тери ва жигар бушашади, аллергик реакция, қуртқув булиши кузатилади. Эндокринник аъзолар нозиклашади. Сезиш аъзолари ва жигарда операция ишларини утказмаган маъқулроқ. Лекин ичак (тўғри ичакдан ташқари) 1 август куни операция қилишга қулай кун. Бироқ, 2 августда - бу ой 19 чисига тўғри келганида киндик, ичак нозиклашади. Бутун ёмон фикрлардан киши узини асраши керак. Исириқ, шам ёқиб, сабзавот еб, тўғри ичакни тозалаш зарур.

3-5 август кунлари яна бош, юз, жаг нозиклашиши кузатилади (Ой айланиб Қуй буржига киради). Шу боисдан гавданинг юқорида кўрсатилган жойларида барча жарроҳлик ишларини қилиш номақбулдир. Кўз чуқури бушаши, кўз зуриқишини камайтирмоқ лозим. Буйрак ва сийдик-таносил йўлларини операция қилишда энг қулай кунлар ҳисобланади.

Августнинг ўрталаригача ер юзи кишилари ҳис-туйгуларида қутилмаган ўзгаришлар, гайратнинг жўш уриши, кўнгилнинг қолиш ҳолатлари сақланиб туради. Ижодкорлар эса қутилмаган ва талайгина илҳом ҳис-туйгулари орасида қоладилар.

• *Спорт*

Олимпиада машъаласи жаҳонни ёритмоқда

XXVI ёзги Олимпиада дастуридаги сузиш, бадминтон, бейсбол, бокс, байдарка ва каноэ, чавандозлик, қиличбозлик, гимнастика, чим устида хоккей, дзюдо, волейбол, футбол, оғир атлетика ва кураш турлари буйича медаллар шодаси ўз эгаларига топширилди.

5-кунги мусобақаларни от спорти буйича тўсиқлардан ошиб утишда команда биринчилигида иштирок этаётган чавандозлар бошлаб беришди. 1992 йилги Барселона Олимпиадасида голиб чиққан Австралия терма жамоасига бу сафар ҳам тенг рақиб топилмади. Иккинчи ўринни АҚШ жамоаси эгаллади, учинчи ўрин эса Янги Зеландия жамоасига насиб этди.

Велоспорт буйича трекда 100 метрга гит тури пойгасида франциялик Руссо маррага биринчи булиб етиб келиб, Олимпиада чемпиони унвонини қулга киритди, иккинчи урин Америка Қушма Штатлари вакили Уэйрв Хорффрога насиб этди. Япониялик Токонобе Юнадзи эса бронза медалини қулга киритди.

Саралаш баҳсларида 4 кмга утказиладиган алоҳида шахсий пойгада италиялик Андрес Калинелли 4 дақиқа-ю 19,6 сония натижа кўрсатиб олимпиада чемпиони унвонига сазовор булди.

Сузиш буйича эркаклар ўртасида 100 метрга баттерфляй усулида россиялик Денис Панкратов 2 дақиқа-ю 52,27 сония натижага эришиб, янги жаҳон рекордини урнатди. Шу билан бирга олимпия уйинларида иккинчи маротаба шоҳсупа турига кутарилди. Аёллар ўртасида 200 метр масофага комплекс сузишда ирландиялик Мишель Смит учинчи маротаба Олимпия чемпиони унвонига сазовор булди. 200 метрга брас усулида сузиш буйича венгриялик Норберт Носсан голиб чиқди. Унинг юртдоши Карл Гуглер кумуш медаль эгаси булди. Россиялик Андрей Корнеевга бронза медали топширилди. Аёллар ўртасида эстафета мусобақасида АҚШ вакиллари голиб булишди.

Қиличбозлик буйича аёллар ўртасида Франция терма жамоаси барча рақибларини маглубиятга учратиб, Олимпия чемпиони унвонини қулга киритишди. Италияликлар иккинчи, россияликлар учинчи булдилар. Эркаклар ўртасида Россия терма жамоаси венгрияликларни 45:25 ҳисобида маглубиятга учратиб, шоҳсупа туридан жой олдилар. Италия терма жамоаси бу сафар учинчи ўринни эгаллашди.

Дзюдо буйича 71 кг вазн тоифасида япониялик Кинза Накомуро эркаклар ўртасида Япония терма жамоасига биринчи олтин медални келтирди. Ҳамюртимиз Андрей Штурбабин 7-ўринни эгаллади. Аёллар ўртасида 56 кг вазн тоифасида қубалик жаҳон чемпиони Брюлис Ганцалис Олимпия медалини қулга киритди.

Оғир атлетика буйича 76 кг вазн тоифасида кубалик Пабло Уларо 367 ярим килограмм натижа кўрсатиб, олимпиада уйинлари чемпиони булди.

Волейбол буйича Югославия терма жамоаси жанубий куриялликларни 3:0 ҳисобида доғда қолдиришди. Қул тўпи мусобақаларида россияликлар қувайтликларни 32:20 ҳисобида маглубиятга учратишди.

Гимнастика буйича эркаклар ўртасида абсолют биринчиликда хитойлик Хия Шоа энг кўп очко жамғариб, олтин медални қулга киритди. Россиялик жаҳон чемпиони Алексей Намов иккинчи ўринни эгаллади. Барселона Олимпиадасида 6 та олтин медални қулга киритган белорусиялик Виталий Щербо бу сафар бронза медали билан кифояланди.

Улуғбек АХРОРОВ,
«Ишонч» мухбири

«ARCELIK» ТУҲФАСИ

Пойтахтимизнинг Навоий кучасидан утар экансиз,Марказий Телеграф қаршисида йўлнинг чап томонида «Arcelik» сизга ажойиб бир туҳфа тақдим этади» деган ёзувга кўзингиз тушади. Ҳозир чет эл инвесторларига яратилган турли қулайликлар натижасида шунга ўхшаш оммавий тадбирлар кун сайин кўзимизга ташланиб турибди. Аммо,«Arcelik» уюштирган бу ажойиб тадбирнинг нималигига кўчадан утган ҳар бир кишининг қизиқиши тайин, албатта.

«Arcelik» - Туркиянинг «Демир Металл А.Ш» ширкати очган электр уйрузгор моллари дуконидир. Маълумки, «Демир Металл А.Ш.» ширкатининг Узбекистондаги бу шуъбаси очилганига тўрт йилдан ошди. Бу ҳақда утган йили газетамиз саҳифасида каттагина мақола ҳам босилган эди. Шу вақт давомида фирма анча ишлар қилишга улгурди. Пойтахтимиз марказида кунига минглаб харидорларга хизмат кўрсатаётган «Мир» супермаркети, «Пьер Карден» дуконн, «Ташмир» қурилиш моллари маркети, «Престиж», «Пьер Карден» кафелари сингари турли хил маиший хизмат кўрсатиш тармоқларига «Arceiik» дуконн номининг қушилганига у қадар кўп вақт булгани йўқ. Бироқ, дукон очилиши биланоқ шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонларимиз диққатини жалб этди. Яъни, бу ерда эски телевизорларни янгисига алмаштириш тадбири бошланди.

- Биз учун энг аввало мижозимизнинг кунглини олиш муҳим,- дейди дукон мудири Меликшах Оздемир, - «Эскини янгига алмаштириш» тадбиридан мақсад харидорлар диққатини дуконимизга жалб этишдир. Эски телевизорлар қандай булишидан қатъий назар - ранглими ёки оқ-қора тасвирлими-қабул қилинаверади. Бироз ишлаб турса бас. Шундай мижозларимиз биздан замонавий «Arcelik» телевизорларини ўз нархидан 70 доллар арзонга сотиб олишлари мумкин.

Ҳозир дуконимизда Германиянинг «Bekotronics» фирмаси лицензияси асосида йигилган «Arcelik» телевизорларининг икки тури мавжуд. Улар бугунги кундаги замонавий телевизорларга хос булган барча ускуналар билан жиҳозланган. Автомат шифр қурилмаси, автоматик ранг ростлаш ва дастур қидириш мосламаси, 50 дастурли хотира, видеомагнитафонлардан тасвир ва овозни тиниқ қабул қилиш учун мослама SCART кириш уяси, PALSECAM-MESECAM қурилмалари, дастур тугаганида телевизорни автоматик учириш мосламаси, 4 программали таймерлар шулар жумласидандир. Шунингдек, уларнинг энг янги авлодига хос булган яна бир хусусиятини айтиб утмоқчиман: масалан, кучли чақмоқ чаққанида ёки ток кучи ҳаддан зиед ортиб ёки камайиб кетса, телевизорни автоматик учириш қурилмаси ишга тушади. Бу телевизорларга ток ростлагич, яъни стабилизаторлар ҳам керак эмас, чунки улар 140 дан 280 волтгача булган оралиқда бемалол ишлайверади...

Бир ойча аввал «Arcelik» дуконида шунақа тадбир утказилаётганини эшитган эдим,-дейди Юнусобод туманида истиқомат қилувчи Б.Юсупов.-Уйимизда телевизор гоҳ кўрсатса, гоҳ овози чиқмай асабга тегарди, Тадбир хабарини эшитган захотим келсам фирма бу тадбирни тугаллаган экан. Дукон маъмурларидан уни яна давом эттиришларини илтимос қилдим. Шунга ўхшаш кўпчиликнинг талабларини инобатга олиб, фирма маъмурлари бу тадбирни яна давом эттиришга қарор қилганликларини эшитиб, хурсанд булдим. Мана, ҳозир уйимнинг эски «Рассвет» оқ-қора телевизоримни топшириб,ўрнига янги телевизор олиб кетяпман. Дуконнинг сервис хизмати ходимлари унга бир йил мобайнида хизмат кўрсатишларини, агар бузилган тақдирда уйимга бориб таъмир қилиб беришларини айтдилар...

Дарҳақиқат, бундай тадбирлар мустақил республикамизда чет эллик инвесторларга яратилган турли қулайликларнинг натижсидир. «Arcelik»ка келсак, у тез орада ўз мижозларини яна бир гузал хизмат тури билан мамнун этиш харакатида. Бу қандай хизмат эканлигини ҳозирча фирма ходимлари сир тутмоқдалар. Аммо унинг ҳам ажойиб бир туҳфа булишига ишончимиз комил.

ИШОНЧ

Бош муҳаррир
Саидакром САИДВАЛИЕВ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир қабулхонаси — 56-25-36
Бош муҳаррир уринбосари — 56-52-89
Масъул котиб — 56-52-78
БЎЛИМЛАР
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт — 56-82-79. Ахборот ва спорт — 56-87-63. Маънавият ва маданият — 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш — 56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ — 56-85-66.
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-23-10. Бухорода — 3-50-10. Гулистонда — 2-24-98. Жиззахда —3-82-18. Навоийда —3-41-99. Наманганда — 6-22-10. Нукусда — 2-44-46. Самарқандда — 35-64-24. Термизда — 2-70-07. Тошкентда — 56-82-79. Фарғонада — 24-58-43. Урганчда — 6-03-40. Қаршида — 5-33-71.

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 оралиқда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Таҳририят воситачилик қилмайди. Мақолалардаги ҳамда реклама ва эълонлардаги фикр- мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар ҳамда реклама ва эълон берувчилар зиммасидадир.

• Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
• Сешанба ва жума кунлари чоп этилади.
• Сотувда эркин нархда.

Манзилимиз: 700165, Тошкент шахри, «Правда Востока» кўчаси, 24-уй.
• Нашр кўрсаткичи: 64560; 64561.
Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган.
• IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди Офсет усулида босилди. Формати А-2, ҳажми 2 босма табоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Нусхаси — 27.999. Буюртма Г- 0388. Босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди 21.00. Масъул навбатчи: Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА